

2

ШАРК ЮЛДУЗИ

12



1947



ШАРҚ ЮЛДУЗИ

ОЙЛИК АДАБИЁТ ВА САНАТ ЖУРНАЛИ
ЎЗБЕКИСТОН СОВЕТ ЁЗУЧИЛАРИ СОЮЗИ

66 Н

12

ДЕКАБРЬ



ТОШКЕНТ
1947



225

М. БОБОВ

БОҒБОН

Поэма*

ИККИНЧИ БУЛИМ

Қайтиш

Собир борар. Бахмал майса. Елғизоёқ йул.
Елкасида шинель, қопча. Солдатча этик.
Мана, жангдан омон қайтди,

худди Берлиндан!
Юзи ёруғ. Ана, қишлоқ, — борар мағур, тик.
Осмон тиниқ. Қушлар сайрар. Ясанган води.
Ҳартомондан хушбуй-ислар келади анқиб.
Уриклардан қордай оппоқ гуллар тўзғийди.
Қўм-қўк дала кун нурида ётади балқиб...
Мана, тўрт йил, бу ерларни қумсаб, соғинди.
Татимади минглаб қишлоқ, бўғиқ шаҳарлар.
Юрагида сўнмас ғазаб,

шафқат қолдирди —
У асабий савдогарлар, эркислар, очлар...
Бу ерларни ўз ватаним, бахтим, ҳаққим — деб,
Мана шундай мағрур, эркин юрмоқлик учун,
Ботқоқ кечди,

сувга ботди,
совуқда тўнгиб,
Аямади йигитлигин, юрагин, кучин!
Яраланди, тупроқ, қонга беланди у неча бор.
Карпат тоғи ва Будапешт, Вена, Берлинда
Олғи сафда бўлди доим!

Шу она диёр,
Шу далалар, шу бўстонлар борди дилида.

* Боши журналининг 11-нчи соҳида.

Мана, тўлиб сумалакдай оқар „Урунбой“.
Кўприк,

тўғон,

Гувиллайди пастда шалола.

Собир борар, ўнгда, мана, яхоб оқар сой.
Буёқ энди кенг пахтазор — қадрдон дала.
Қаршисида оқ-оқ уйлар — кичкина қишлоқ.
Худди она қучоғидай очиқ, меҳрибон...
Воясига етказалмай кетганди, броқ, —
Кўкарипти, ўзгарипти

бу азиз макон.

Йўлга тушди. Икки ёнда тебранар толлар.
Қишлоққача йўл устини бўйлаб ўсипти.
Колхоз боғи — ўзи эккан қатор ниҳоллар.
Кўм-кўк бўлиб, анча жойни бутун тўсипти.
Тракторлар гуриллайди. Одам. Қизгин иш.
Узоқлардан „ялт-ялт“ этар кетмон.

Ашула...

Юрагига шувиллайди ҳар япроқ, ҳар қуш.
Унга ма'тал дастурхондай — турар кенг дала.
Завқи қайнар... Кўз олдида кўрар Умрини:
„Қолган умрим сен-ла ўтсин, ма, кел, вафодор!“
„Йўқ, дейди у — нозланади, — демайман ситни!“
— „Мен сеники, дегандинг-ку, кўрайлик дийдор?..“
— „Деган эдим! На хат, хабар? қийнадингиз кўп“
— „Тўғри, энди ўзим келдим. Сизни деб келдим?“
Қўйнаган у — душман эди. Сурдим, урдим хўб.
Бахтимизни қуёш тахлит мен олиб келдим!..
Осмон тиниқ. Қушлар сайрар. Ясанган води.
Ҳартомондан хушбўй-ислар келади анқиб.
Ўриклардан қордай оппоқ гуллар тўзғийди.
Кўм-кўк дала — кун нурида ётади балқиб.
Собир борар дадил-дадил қишлоқ йўлидан.
Кулранг шинель, кичяк қопча. Солдатча этик.
Жангдан, мана, голиб қайтди,

худди Берлиндан.

Юзи ёруғ, — ана қишлоқ, — хурсанд, мағрур, тик!

* * *

Қадрдонлар

Кеч. Кун ботар. Киришади қўни-қўшни'ёр.
Қучоқлашиб кўришади ҳамма — ёш, қари.
Ҳовли гуринг. Хотин-халаж. Айвон келди тор.
Маҳкам ака, Даврон ота, Жўрахон — бари.
Бир онла боласидай қадрдон булар.
Ҳамма бирдай қилишади ҳурмат ва э'зоз.
Қариндошлар, бирга ўсган дўстлар — жўралар...

Қандай яхши она Ватан! Бу азиз тупроқ,
Меҳнат ва жанг ҳикояси узун тугамас...
Қанча-қанча мушкулларга бердилар бардош.
Пастда, — ўглин эсладими, — чиқармайин сас, —
Ряхси хола кўзларини артар —

кўзда ёш...

Собир эслар,

қарар

ишком,

уйларга.

Ўша эшик. Ўша йулак. Ўша ер, осмон.
Изланади, сездирмайди, — боқар дўстларга, —
Кўринмайди унга-фақат битта меҳрибон?..
Азиз она... Юрар эди йиғиб-сидириб.
Ишдан чарчаб келар... Тайёр го ош, го гўжа.
Уни аста уйғатарди тонг-азон туриб,
Ер бошига элтар эди қатиқ, нон, кулча.
Энди у йўқ!..

Кўринмайди,

қайда онажан?

Нега, ўгли бошларидан сочмайди танга?
Тилаганди — „ой боргину ва келиги омон.“
Мана, омон,

ҳам омонлик олакелди Ватанга.

* * *

Ана, келди Умрихоннинг звеноси ҳам.
Қулларида кетмонлари — ишдан қайтишар.
Қузилардай сурунишиб ўтди супага.
Собир хурсанд! Юрагига бир ўт туташар...
У келди-ю, бошқа дун'ё очилди кўзга.
Чеккан бутун машаққатлар топгандай якун.
Фидо бўлиб меҳнат қилса, кўпка — колхозга.
Бундай қизни бир эр эмас — эл севар бутун.
Қизариб, кулиб — тўймай боқади Умри.
Гуё қишлоқ тўлиб кетган! Янгиган олам.
Севганини эл ҳурматлар! — Ошар ғурури:
Эл ёвини қириб келди, — ҳарна қилсанг кам.
Ўртоқлари кўз қирида қутлар Умрини.
Шодликлари ичга сиғмас; армон, ниятлар...
Билишади бир-бирининг қайғи, сирини...
Энди тинчлик! Бирин-кетин қайтар йигитлар.
Умри боқар, ана, Собир, погон-формали.
Сал озишти, қорайипти, лекин соғ, тетик.
Кўкрагида ялтирайди орден, медали.
Дун'ё бўйлаб гапиреди,

сўзамол-етук.

Меҳнат ва жанг ҳикояси узун—тугамас.
Берибдилар қанча-қанча мушкулга бардош.
Мана, энди қанча бўлса орзу ва ҳавас,
Меҳнат блан ешмоқчилар ҳамма ватандош!

* * *

С о б и р ж о н

Ўтиришар Даврон ота, Собир, Раиса.
Қалин толзор. Сувнинг бўйи. Гириллар шамол.
Уста Болта гишт теради ГЭС биносига.
Атроф дала. Кўм-кўк.

Пастда гувиллар анҳор.

С о б и р ж о н:

— Омборчилик ярашади Нишон болага.
Дам олгани келибмизми, опа, войнадан?!
Энди кўриб турибсизми бизни? А, нега?..
Ундай эмас, кучга тўлдик, мана, қайтадан!
Соғинганмиз, омон бўлсин қадрдон кетмов.
Ота касб, шукур, соғмиз ва ёшимиз ҳали.
Колхозимиз, ўз еримиз, эмасмиз меҳмон.
Иш қилайлик,

энди, мана, меҳнатнинг гали.

Камарини тортиб сиқди, ўзин тузатди,
Кўнглидаги армонини у очик айтди:
— Ўзим чала ташлаб кетган боғда ишлайман.
Меҳнат синган!

Энди битта боғ ҳам керак-да.

Бир боғ қилай! Хўб десангиз, опа, бошлайман?
Ниятим шу, нима дейсиз, а, Даврон ота?
Даврон ота Собиржонга тикилди узоқ.
Гўё уни энди кўрар. Эслаганди чол:
Унинг жангда қилган ишин — бутун бир қишлоқ —
Эшитганда — бўлган эди ақллари лол.

Д а в р о н о т а:

— Бунинг гапи ма'қул, қизим, хўб денг, раҳмат (денг.
Талаб қишти, шу колхозим бўлсин дегани.
Ўн боғ ҳам оз...

Биз бу ерга нима деб келдик?

Ё Фарғона борамизми олма егани?
Бизда иш кўп бошдан ошган, Собиржон, асли,
„Ўхў!..“ — дейсан, агар бундоғ уйлаб қарасанг.
Нимасини яширамиз? Ортадамиз ҳали.
Танқид қилиб койисалар, боз деймиз „аттанг“.

Мана, қўшни — „Навоий“,
кўр,
узоққа борма!

У ҳам колхоз,
ҳаммамиз бир келганмиз, ахир.

Сув танқисми?
Ғримиз паст, жойимиз торми?
Шукур, тинчлик. Давлатимиз ҳар ишга қодир.
Собиржоннинг гапи ма'қул. Ишни бошлатинг!
Талаб қипти — шу колхозим бўлсин дегани.
Ўн боғ ҳам оз.

Давлат бизни не деб кетирди?
Фарғонадан келсин бу ерга анор егани!
Дафтарига алланарса қайд этиб бўлди, —
Иш тиқилинч. — „Хўш, шундайми?“ деди Жўраҳон опа.
Сўнгра майда тишларини кўрсатиб кулди.
Эркаклардай ишонч блан киришди гапга:
— „Яхши ният! Тушуваман, талаб ўринли.
Планларни ўзгартирди уруш гўрсўхта!
Унсун урушгача бўлган пахта ҳосили,
Нима қилсак ярашади шунда колхозда...
„Навоий“ни дейсиз, тўғри,

ишчи қўли кўп.
Колхоз учун битта эмас, — ўнта боғ ҳам оз.
Ўшалардай тугал бўлсак, кўрардингиз хўб,
Масаланинг шу томони ўйлатар бироз“.

Собир:

— „Раис опа, шундай кунлар бўлиб ўтдики,
Юз кишининг ишин ўнта киши қилганмиз.
Машиналар, оғир тўплар — шундай ҳам зилки, —
Елкамизда лойдан тоққа олиб чиққанмиз.
Бу роҳат-ку! Келганимдан бери айландим, кўрдим.
Етарликмиз.

Ҳаммасининг тайёр ҳисоби.
Бу томонин менга қўйинг, эплейман ўзим.
Ма'лум менга колхозимнинг тулпори, ёби...
Райондаги чойхонада битта киши бас,
Юнуспир ҳам, одам ахир, колхозга келсин.
Табельчи ҳам керак, тўғри, аммо Мирсаид —
Ҳеч иш эмас, буш вақтида боғда ишласин.
Камайтиринг оғир усти — енгил остида —
Юрганларни!

Одамимиз етар, мана тайёр ҳисоби.
Солдат каби турсин ҳарким ўзин постида.
Менга ма'лум колхозимнинг тулпори, ёби“.
Енгил тортди, қанотланди ма'қул кўрди раиса.
Қалин толзор. Сувнинг бўйи. Фириллар шамол.

Уста Болта гишт теради ГЭС биносига.
Атроф дала, кўм-кўк.

Пастда гувиллар анҳор.

* * *

„Соянг борми, оғайни?..“

Колхоз боғи бўлар эди обод кундан-кун.
Меҳнат уни ювиб-тараб соларди сонга.
Ана, Собир

меваларни бутадн бутун.

Слётда ҳам гап бўлибди етиб районга.
Ана, токзор, Баҳром ота қилар парвариш,
Томиргача чуқур қазиб — ётқизди девол.
Уста Нормат кўрди боғда жадал иш,
У ҳам келди;

сочни кечга олар бемалол.

Юнуспир ҳам шунда, ана, аҳволи кўп танг.
Анча кундан бери унинг кўнгли намошом.
— Нега келдим? Нега кўндим? Эҳ, афсус, аттанг?..
Ўйлар, ўйлар,

Томоғидан ўтмайди таом.

Кетмон катта, сопи яйғи, темирдай қаттиқ.
Қўли оғрир, пуфак-пуфак бўлиб қаварган.
У, ер чопар, ҳаллосланар, терга ботар жиқ.
— „Менга нима?

Боғинг блан бригадир бўган!..“

Қашқа отдай ҳамма билар уни қишлоқда.
„Юнуспир“ деб лақаб қўйган ҳазилкашларм.
Кўнгли нозик,

аввал-аввал хафа булса-да,

Нима қилсин? — Кейин-кейин атади бари.
Ҳарбир киши бир нарсага ишқ қўяр. Бу рост!
Биров милтиқ, биров отга беради кўнгил.

„Юнуспир“чи, мана, беданага ишқивоз,
Унга қолса, қуш сонига кирмайди булбул.
Ана, толда „тезотари“, „салмоқи“си ҳам.
„Питбилдиқ“ни етқазашар беш-олтитага.
Гўё қалби жаранглайди; бўлади хуррам.
Дун'ё завқи шудир фақат — бу олифтага...
Аммо ўзи қўйдаи ёвош, камсуз, фе'ли кенг.
Иккита-иккита қиз жойлашар — тепадай кифти.
Ойша пучуқ: „Юнус акам тушар менга тенг,
Тегар эдим кетмон чопса, ишласа...“ депти.
Самоварни „пуфлай-пуфлай“ чиқди мўйловш.
Чой өзганда билди фақат кучга тўлипти.
Бирар нозик лабга тегмай дўрдайган лабш,
Тенг-қурлари ажабтовир ота бўлипти.
Кўринмайди кўзларига боғи, меваси.
Катор-қатор кўм-кўк дарахт аста силкинар.

Ишга сра қовушолмас, келмагандай чамаси.
Елкасида кетмон, Собир шуёққа келар.

С о б и р:

— „Пир“ деганда яна, дўстим, хафа бўласан,
„Мирюнус“ деб айтгин дейсан, хўб, бўлсин, майли.
Мирлигингни аммо ишда кўролмаймавман?
Мана, шуми чопган еринг?

Шуми атийи?..

Ишми шу ҳам?

Жонинг борми ўзи танангда?
Ўйласанг-чи?.. Соянг борми оғайни, сенинг?
Ана, қара, колхозчилар туш-айланангда —
Чумалидай қимирлашар,

хамма ҳам бир-тенг!

Инсоф борми? Шу колхознинг а'зосимисан?
Ишла, тер тўк,

бол аридай ўз ҳиссангни қўш.

Қачонгача кўланкада пашша қоқасан?
Роҳат бўлар — меҳнат блан топсанг бир улуш.
Мирюнуснинг калласи ҳам, чуқулайди ер.
„Салмоқиси“ шу вақт, бирдан сайради толда.
У қизарди, гўё ёнди, босди қора тер,
„Шу вақтда „питпилдигинг“ қўятур-чи, зормонда!..“
— Шуми нағманг? Касби-рўзинг? Топган ҳунаринг?
Богимизга шу каммиди ҳали, оғайни?
Дўст ачитиб гапиради,

бил — фойданг сенинг!

Унут энди чойхонангу, бедонангу, садангни.
Бунн қара, боғни бир кўр, юрагинг ачир.
Колхоз мулки! Насибамиз, ўртадаги номимиз.
Сен қилмасанг, мен қилмасам, ким қилар ахир?
Бордир колхоз дафтарида қатор номимиз...
Ва'да бердик кўпчиликка. Бутун бир қишлоқ
Ишонипти, топширипти. Умид қилади.
Бизда ҳам бор табель, норма, ўйла-да, ўртоқ!
Битта боғни эпполмасак — ҳамма кулади...

* * *

Пахтакор ва Боғбон

Умри турди.

Ойдин кеча. Сув қўйгандай жим.

Сутдай оппоқ кўринади қўрғон деволи.

Ола сигир пишнаб, „ўҳ-ҳ“лаб қайтаради ем.

Баланд супа — ота ухлар.

Кетди хаёли.

Кўз олдида кенг пахтазор, чанқоқ ғўзалар.

— „Шундай пайтда хит қилади сувнинг этаги...“

Чўлпон ота беғам! Балки ухлаб қолгандир?

Сув — да ҳозир ғўзаларнинг айни кераги!“

Сўрисидан тушди. „Боришим зарур!“
Йигитлардай дадил босиб чиқди далага.
Бу йил кўклам ёмон келди, совуқ ва ёмғур.
Қайта экди, парваришда етди вояга.
Қишлоқ пасти.

Кенг пахтазор. Сузар тўлин ой.
Ўзалари эркалатиб ўйнар шаббода.
Дала жимжит. Фақат пастда шовиллайди сой.
Олам ухлар. Итлар ҳурар йироқ-йироқда.
Узун узун қатор жўяк. Бўлуқ ғўзалар.
Қандай яхши. Ҳузур қилиб олмоқда нафас.
Озиқланган, кўпчилган юмшоқ марзалар
Ҳар ниҳолни, райҳон каби, кўтарибди даст.
Оқаришиб кўринади дарахтлар, йўллар.
Чироғ ёниқ отхонанинг баланд томида.
Басма-басга „чаҳ-чаҳ“ лашар тинмай булбуллар.
Юқорида —

қуюқ дарахт — колхоз боғида...

Олға юрди. Чўчидими, минғиллар аста.
„Гўп“ этди бир қуш милтиғи аллақайлардан.
Тўхтаб қолди.

Аланглади у таажжубда:

Сув оқмасди қатор-қатор қамиш найлардан.
Кийик каби, дўнг увотга чиқди йўрғалаб.
Ҳайрон бўлди, ариқда ҳам кўринмади сув.
— „Этак қурсин, ғўзаларим шундай сув талаб,
Чўлпон ота қайда? Ажаб? Ўзи нима бу?
— Чўлпон ота-а-а!..“

Дала жимжит. Ўзаларни ўйнар шаббода.
Ойдин кўлдай кенг пахтазор. Кўкда тўлин ой.
Жон кўринмас, итлар ҳурар йироқ-йироқда.
Олам ухлар. Фақат пастда шовиллайди сой.
Ғазабланди, кифтга чиқди баркашдай кетмон.
Кетди шамол учиргандай сув қулоғига.
Нима кўрди?

Мана, ариқ чиппа кўмилган,

Сув липиллаб оқар эди колхоз боғига.
Липа урди, шошиб-пишиб шимарди энгин,
Сувга кирди. „Яхши, кўнглим тинчимди-я?..
Сувчи бўлмай, беғам Чўлпон ота қурсин,
Доли зарбда нокас тепар ишнинг белига..“
Бирдан овоз эшитилди:

— Ҳорманг, Умрихон?

— Собир ака, бу нимаси?..

Ҳали гап шуми?

Пахталари қувраб кетсин, майли, — дебсиз-да?
— Хуш, боғ-чи?
— Пахта муҳим! Боққа сувнинг эрта-кечи йўқ.
Собир кулар: — Биздан бироз хафа бўпсиз-да?
— Ишонганим...
— Бошлиқ бўлгач, биз сингари ухламангиз-да!
Сув ичда кетмонини кўтарди Умри.
— Тухтанг! Чикинг. Қониб ичди ҳамма картангиз.
Сувдан тортиб олди йигит, Лабларда кулги.
— Бизга ташлаб кетди бугун Чўлпон отангиз.
— Алдаманг?
— Қўямизми муробингиз агар биз бўлсак!
Кўкрагидан итарарди кулиб, ёниб қиз.
Белин маҳкам сиқар эди икки чўнг билак.
Юзларида тагна-танга ялтирар нурлар.
Чироғ ёниқ, отхонанинг баланд томида.
Басма-басга „чаҳ-чаҳ“лашар тинмай булбуллар.
Электрлар чарақлаган колхоз боғида.

Кўчма байроқ

Ҳаво иссиқ. Қимирламас терак барги ҳам.
Жимир-жимир яллиғланар осмон-айлана.
Эувлар илиқ. Палакларнинг барги сўлган-хам.
Атроф жимжит. Тандир каби қизиган дала...
Дарахларнинг тег-тегида гужум соялар.
Қорли тоғнинг чўққилари олимпти кулранг.
Хў, қўриқда, ёзилишиб ўтлар подалар
Катта йўлда машинани қувар бўрсиқ чанг.
Дала чайла тепасида мусича „қур-қур“.
Ҳолдан тойган капалклар учар соялаб.
Паровози қулун каби. тутун-ёл — бурқиб.
Поезд ўтар, хў, олисдан қичаб-жадаллаб.
Катта пайкол миришкори мана олти қиз —
Бу — Қундузхон звеноси, қиларда чопиқ.
Ватанига ва халқига берган булар сўз.
Жўяклари лорсиллайди, гўзалар бўлуқ.
Пайкол жимжит. Бирин-кетин тушади кетмон.
Бугун, нега кенг далага қўшиқ янгрмас!
Қуёш ўпиб иссиқ нондай қизартган —
Юзларида кечаги шўх табассумлар кўринмас?..
Пайкол бўйлаб, ана, келар Жураҳон опа.
Билаклари шимарилган, кенг, оппоқ кўйлак.
Қуйда баттар қорайипти. Хушқомат. Тўла.
Қўлларидан газета ва оқ кийгизи телпак.
Ҳар кишининг меҳрибони. Ишчан. Коммунист.
Ақли ўткур. Ишда уним. Халқда э'тибор.
Унинг сўзини икита қилмас ҳар йигит, ҳар қиз.

Умр тилар кексалар ҳам беҳад миннатдор.
— Юғқизибсиз Онахонга, Умрихон, қизим,
Ҳали сизда тугамапти бешинчи чопиқ?
Улар олдин, мана, бориб текширдим ўзим..
Олтинчисин тамомлашга қолипти ёвук.
Эҳе, ана. ғўза у-да, маржон-маржон, рост,
Бир тупида қирқ беш кўсак — ўзим санадим.
Звенонгиз ўтган йили олди яхши от
Яна буёғи билинади кузда — ўзар ким.
Умрихоннинг елкасини қоқар раиса:
— Сиздан олиб кегишади кўчма байроқни!
— „Йўқ, бермаймиз!“ — қизлар бирдан чувиллар раса.
Жўрахонга туш-туш ёқдан берар сўроқни:
— Улар биздек этакдами?
— Шаҳмат экканми?
— Чилпиганми?..
— Мана, бундай шарбат берганми?..

У м р и:

— Раис опа, ғўза деган мундоғ бўлади.
Қирқ беш эмас, сананг, эллик чиқар кўсаги.
Буни кўринг,

шу бир тупдан этак тўлади.

Шаҳмат экан, тўғриси ҳам, экиш қулайи...

Умрихоннинг елкасини қоқар раиса.

— Куз биламиз! Улар олдин, беринг байроқни!

— „Йўқ, бермаймиз!“ — қизлар бирдан чувиллар раса,

Жўрахонга туш-туш ёқдан бериб сўроқни.

Ана, чайла тепасидан олинди байроқ.

Хилпиратиб кетар эди олиб Онахон.

Звенода дуганалар ҳамжиҳат, иноқ.

Кўпчиликка сўз берганди.

Бу бўлди ёмон!..

Дарахтларнинг тег-тегида ғужум соялар.

Тоғнинг баланд чўққилари олипги кулранг.

Онахоннинг пайколида байроқ ҳилпирар.

Умри боқар, киприкларга кўнмиш юпқа чанг.

* * *

Қизлар кулади...

Ана, келар Собиржоннинг боғ бригадаси.

Дуганалар ўртасида кетди пичинг, сўз.

— „А, тўйгами, бошларидаги баркашлари нимаси?“

(Баҳром ота, Уста Нормат, орда Мирюнус).

Пиқирлашиб чевар қизлар уради кетмон.

Юзларида ула каби тупроқнинг гарди.

Аллақайда чириллайди тинмай саратон.
 Яноқлардан оқиб тушар тер марвариди.
 Сув бўйида кутиб олди Жўраҳон опа.
 Саватларда узум, олма, анжир, шафтоли.
 Кулди, хурсанд, терисига сигмай раиса.
 Қандай обод бўлаётир унинг колхози...
 — Биз эшитдик, — деди Собир, — ростми, Умрихон—
 Чарчаганмиш, чопиқда ҳам ортда қолганмиш.
 Кеча, боғда Мирюнусни кўриб Ойшахон
 „Ёрдам беринг — бир ҳашарга келинг“ — деганмиш.
 Мана келдик, раис опа, қаердан тушамиз?
 — Кулмай кеткур, ҳой Умрихон, қани, ҳой қизлар!..
 — О, Ойшахон, — кулди Юнус, — ёрдамлашамиз, —
 Чиқиб олма, узум енглар. Дам олингизлар.
 Чевар қизлар гул-гул ёниб уришар кетмон.
 Юзларида упа каби тупроқнинг гарди.
 Аллақайда чириллайди тинмай саратон.
 Яноқлардан оқиб тушар тер марвариди.

* * *

Даврон ота

Қўрғон муздай — сув сепилган. Ўртада супа.
 Кўм-кўк дала кўринадиди — дарвоза очиқ.
 Ҳаммаёққа кечки салқин тушарди аста.
 Қайрағочда чуғуллалар бир гала чумчуқ.
 Даврон ота ўтирарди чордона қуриб.
 Совчиларнинг ҳангомасин сўзлаб чолига —
 Қумри хола „Босволди“нинг ярмини кесиб,
 Коса қилиб, суриб қўйди чоли олдига.
 — Яхши, — деди Даврон ота, — жавоб беравер!
 Қизинг рози бўлса, бас-да!

Мен рози, майли.

Яхши йигит, элга ма'қул — оламга татир...
 Ўзи тенги, Умрингга мос

бўлсин бахтли!*

— „Яхшиликка яхшику-я, аммо, отаси,
 Олиқ-солиқ деган гап бор. Вақти бор сағал.
 Ёлғизимиз. Қандоғ бўлар орзу-ҳаваси?
 Кўргилик бир мол-мулкни бутасин аввал“.
 — „И-е, — деди Даврон ота — чақчайди кўзи,
 Қўлин артди, мўйловини силади тез-тез:
 Кимдан кам у?

Асл йигит. Меҳнаткаш ўзи!

Армиядан келган. Бақувват, эпчил, ғайратлик.
 Колхозим деб, кўпчилик деб беради жонин.
 Шу қўриқни боғ қилди-я?

Буёғи тинчлик...

Обруйи бор. Куп севади. Не дейсан тагин?
Сен тушганда, айт-чи, менда нима бор эди?
Тожибойнинг эски тўнин кийдим никоҳда.
Ҳаммасини, мана, кўрдик — колхоз ёр бўлди.
Бундоғ кунлар бор экан-ку бизга дун'ёда!
Пешанаси ярқираган,

жонкуяр,

илдам.

Тўрт йигитдай меҳнат қилар! Ақллик. Бас-да.
Умрин берсин, қолишмайди ундан Умринг ҳам.
Булар кўрган ҳар кун — ўзи орзу-ҳавас-да.
Бер жавобинг! Ўзим берай олиқ-солиғин.
Давлатимиз омон бўлсин иқболларига.
Шукур, тинчлик. Ма'мурчилик. Не керак тагин?
Кўмиласан иккисининг топган молига.

* * *

Боғбон ва табельчи

Ана, Собир, уч оёқлик нарвон устида —
Олма бутар. „Фирт-фирт“ этар пўлат дасқайчи.
Белин ушлаб унга қараб туради пастда
Сариғ йигит — идорадан келган табельчи.
Боғи бу йил обод, мана, ўсди, кенгайди.
Мевалар ҳам қанот ёзиб, кўтарди қомат.
Меҳнат қилсанг ерга, сра зоя кетмайди.
Ҳамма мева ҳосил қилди.

Меҳнатда омад.

Омбор битди. Машинага йўл тушди-кенграк.
Гўнг солинди, дориланди,

чопилди қанча.

Эрта кўклам — бир арава, уч замбил-ғалтак.
Жағи тинмай чийиллади қора шомгача...
Собиржон ҳам тинчиб қолди. Куч олди қайта:
Ҳалол меҳнат устун қилди обрў, қўлини.
Умрихонга ҳам етишди.

Мард Даврон ота

Сўздан турди — қилиб берди булар тўйини...
Ана, ўзи уч оёқлик нарвон устида —
Олма бутар. „Фирт-фирт“ этар пўлат дасқайчи.
Белин ушлаб, жавоб кутиб туради пастда —
Сариғ йигит — идорадан келган табельчи.
— Табельчининг кераги йўқ менга, Нишонбой.
Одамим ҳам тугал.

Ўзим бригадир, боғбон.

Ҳисоби ҳам қўлдан келар?..

Менга қара, ҳой!

Чин сидқидил ишлайсанми?

Ол қўлга кетмон!

Нишонбой безрайиб турарди пастда,

Собир норвонидан тушди индамай.

— Омборчи эдинг? Иш пачава...

Тер тўк бўлмаса!

Юрасанми отдан тушиб — эгардан тушмай?

Бултур, мана, биринчи йил ҳосил берди боғ.

Ўттиз тонна — олма, узум, қанча резавор.

Ахир, шунча даромаддан чиқмади чатоқ?

Сен омбордан!..

Одамга ҳам керак виждон, ор...

Алланарса гудунглади Нишонбой ҳарчанд.

Кафти блан кўзин артди, бошин қашиди.

Собир сершоҳ олмаларга тикилди хурсанд,

Қайчисининг дамин артди,

„фирт-фирт“ эттирди.

— Талаб қил, бор, Даврон ота бригадасига.

Пахта бўлсин, план катта. Ишла тер тўкиб.

Кузга бориб иш кўпаяр бизда ҳам,

ука,

Тўғри бўлсанг, ўзим олай ҳисобчи қилиб!

* * *

Фарҳод ГЭСи

Тонг саҳардан — шовқин-сурон қишлоқ кўчаси.

Одам тўла. Карвон жунар ФарҳодГЭСига.

Ўйин, кулги...

Қулоқ йиртар карнайлар саси.

— „Ҳо-ҳо-ҳо-ҳо,

ҳо-ҳо-ҳо-ҳо“ — басма-басига.

Чилдирмалар қўлдан-қўлга ўтиб таранглар.

Узун сочлар, оқ билаклар майин тўлқини...

Шўх-тегажак йигитлар шод.

„Урра“ — қарсақлар.

Юракларда ҳаёт завқи, севги ёлқини.

Ҳали, саҳар — тамом бўлди Ойшахон тўйи.

Қиёмат тўй беради.

Хурсанд бўлди меҳмонлар.

„Мирюнусда ҳали ҳам бор оз-моз...“

— „Қаллиғи —

Ойша — пишиқ, ударник қиз, йўлига солар“.

Пахтазорнинг орқасидан қуёш моралар.

Идоранинг тепасида қути учган ой.

Бўғотларда, дарахтларда қизил шу лалар.

Чойхонада уч-тўрт кекса, узум, қуюқ чой.

Қатор-қатор аравалар. Олда машина —

Лиқ тўла қиз. Отлар кишнаб чайнайди сувлиқ.
„Навсий“дан, „Пахтакор“дан келади яна
Бир машина, уч арава,

бўлади тўлиқ.

Собир уйлар: „Фарҳод“ бизга иккинчи офтоб,
Нурга тўлиб, Ватан яна бўлади обод
Катта завод,

фабрикалар,

минглаб хонадон

Унинг йўгон томиридан олар қон-ҳаёт.

Янги канал Мирзачўлнинг кўксин чок қилиб,

Сирдарёнинг зумрад сувин кетирар бизга.

Янги ерлар,

пахтазорлар,

қишлоқлар бўлиб,

Ҳарён чароғ,

чароғ, чароғ —

ўхшар юлдузга.

Мана бундай қатор янги, оппоқ уйларга

Керак энди электр печь,

ўчоқ,

тандирлар.

Пулат отлар „Фарҳод“ кучи блан қирларга

Донни сепар, ўрар, янчар,

янграб адирлар.

Пахтазорда ишлар яна бўлади енгил.

Аммо лекви одамзодсиз иш бўлмас, албат.

Юздан ошиқ ҳосил берар ҳарқанақа ер.

Электрлаш —

Ленив бобо қилган васият*.

Ҳамма билар. Кексаларда умид ва армон:

Рўзин сотиб ололмаган хира рўшнойи.

Мана, қаранг, Даврон ота, қўлида кетмон —

Еш йигитлар қаторида. Қордай соқоли.

Катта карвон жўнатмоқда Жўрахон опа:

— „Социализм“ йигитлари, ҳой, оппоқ қизлар,

Ғайрат қилинг!

— Сиз келганча пахтагиз ҳам оппоқ очилар.

— Буш келмаймиз!

— Бажарамиз!

— Шундай бўлсин-да!

Эрта тонгдан — шовқин-сурон қишлоқ кўчаси.

Меҳнат тонги...

Қуёш чиқиб бўлди ҳангу-манг.

Машинадан кўтарилди қизлар яллasi.

Кенг далага янграб сингар қувноқ бир оҳанг:

* * *

Ҳайдар кокилинг узун
Ювиб тарагин, ёрим.
Дангаса деб койима,
Чекка қарагин, ёрим.

Катта канал бўйида
Бўйингни кўриб қолдим.
Кўрмасам бўлар экан,
Ишқингда куйиб қолдим.

Ёрим, суяман сизни.
Пахтакор дейди бизни.
Кўпчиликка сўз бериб,
Унутманг ва'дангизни.

Орден олибсан, ёрим,
Ватаннинг урушида.
Мен ҳам орденли бўлдим
Колхозимиз ишида.

Гулзор қилдик чўлини.
Билдик бахтнинг йўлини.
Кўзимизга суртайлик
Бориб доҳим қўлини.

Саҳарда турган шамол
Гул ҳидини сочади.
Ҳалол меҳнатинг бўлса,
Масков йўлин очади.


Коммунизм йўлини
„Социализм“¹ очади.
Боғига кирар бўлсанг,
Баҳри-дилинг очади.

Боғимизда сўри бор,
Шу сўрининг тўри бор.
Дангсага тушганинг
Манглайида шўри бор.“

* * *

Карвон жилди. Қўл силкишди. Кўтарилди чанг.
— Хайр, Умрихон?
— Хайр, Розик
— Хайр, Журахов опа!
Меҳнат тонги...

¹ Колхоз номи.



Қуёш чиқиб бўлди ҳангу-манг.

Карвон,

карвон

ўтиб борар Фарҳод ГЭСига!

* * *

Кўнгилдаги қўлдан келса — ҳамма иш битар!

Боғнинг йўли бўлди бугун жуда серқатнов.

Икки-уч бор келиб — кетди Журахон опа.

Эрталабдан —

Даврон ота, Собиржон — иков —

Югуришар идорага,

дала,

қишлоққа.

Ҳаркун ер бошидан ўтгич енгил машина

Боғда тўхтаб, сўнгра ўтди қўшни колхозга.

Аравада нарса ташир Мирюнус, ана.

Бугун боғ ҳам кўринади бошқача — кўзга.

Кеча, худди тушдан бери —

Райондан чиққан —

Рассом бола — сув бўйида расм солади.

Ана, қишлоқ муаллими — Мукаррамахон

Алвон ёзиб, дарахтларга тортиб илади.

Пахтазорда терим қизгин. Звеноларда —

Кўринади баланд-баланд пахта хирмони.

Ана, борар қатор-қатор,

пункт йўлида

Мамлакатга савфо ортиб байрам карвони.

Томорқада саратондан бери тик қотган —

Олтин сочли жўхорилар қилибди ёнбош.

Полизларда шакар қизлар кўрпасин отган.

Куз лабидан энтикади ҳар увот, ҳар рош.

Текис ўсган қатор тутлар тегида кўм-кўк —

Худди кўлдай кўринади бўлуқ қарамзор.

Дала кузнинг каштаси-ла яшнар рангба-ранг,

Осмон — қаймоқ олинган сут.

Ҳаво беғубор.

Шокосадай суви лим-лим кичкина ҳовуз.

Гилам, кийгиз, шолча, стол, скамейкалар.

Баланд супа, патнус безар иккита-учта қиз.

Иш бошида Даврон ота, койир, эркалар:

— „Чарасдан қўш, оппоқ қизим, ҳар гулда ҳар ис.

Ҳусайнидан, бувакидан — ҳаркимнинг таб'и...“

— „И-е, Глусиной, қўзигами?“

Катта-катта кес!

— „Қани, уста, буни олинг!“

— „Собир, кетир, бўл!“

Ана Собир, сават-сават ташийди мева.

Югуради дам боғига, дам омборига.

План тўлган!

Эрта байрам. Кувонч, таптана!

Ма'мур кунлар келаётир юрт-диёрига.

Оқ сурп яқтак, кўкрак очиқ, янги тус дўппи.

Сариғ, савсар шойи қийиқ. Солдатча этик.

Тўп ичида таниб бўлмас, йигитлар купи —

Худди шундай кийинишган — ҳаммаси бирдек.

Кечки салқин. Қуёш ботган. Уфуқ доларанг.

Теракларнинг уч-учида янги туққан ой.

Муздаккина шамол эсар.

Йўлда чўккан чанг.

Чугуллашар қушлар — истар бир қўналға жой.

* * *

Эрта байрам!

Ҳамма шунда. Бошланди йигин.

Ҳалол меҳнат дастурхони ўртада тўла.

Колхоз боғи тўккан бутун ноз-не'матин:

Хил-хил узум,

шафтоли,

нок,

турли нав' олма.

Кўшни колхоз ва райондан меҳмонлар ҳам бор.

Дарахларнинг тег-тегида гуж-гуж болалар.

Электрнинг нурларини қучган олмазор.

кўнгилларда улуғ айём шодлиги қайнар.

Мамлакатда тинч меҳнатнинг бошланган даври.

Давраларнинг кўрки, файзи жасур йигитлар

Ўтиришар,

Оналарнинг тўлгандир бағри.

Кеча, ёвни энгиб қайтган ғолиб солдатлар.

Шу йигитлар бўлганидан — тилимиз узун,

Жангда энгдик!

Меҳнат гашти — юртда тинч ҳаёт.

Ёв бўҳтони, бомбалари — бу халқнинг кўзин —

Қўрқитолмас,

дун'ё бўйлаб солсин, майли, дод!

Кўзни тортар чаман каби қизларнинг тули.

Чилвир сочлар, лўппи юзлар,

ранг-баранг атлас.

Бахти очилиб тинчиб қолган буларнинг кўпи.

„Оҳ-ух“ларни қувган шодлик, орзу ва ҳавас...

Ана, Умри, худди гулдай очилган юзи,

Товланади электрнинг ҳафиф нурида.

Содда-содда қилиб тахлар раиса сўзни, —

Атлас кўйнак, қора костюм, — баланд минбарда:
— Ҳамма гап шу!
Ана шундай...
қуллас, ўртоқлар,
Октябрдир — бу байроқни бизга тутқазган!
Минг-минг марта маинатдормиз жонажон падар —
Сталиндан!

Партиядан! —

Бахтга етқазган!

Гувва турди ҳамма бирдан. Нидо ва қарсак.
Садоларни олиб учди шамол далага.
Жўраҳон ҳам хурсанд, мағрур. Деди баландрак:
— Аммо, дўстлар! — яна жимлик чўкди ўртага. —
Иш кўп бизда қолиб қолган уруш йилиги.
Ниятлари, планлари кўпдир колхознинг.
Ўйланг, қандай эди бу ер?

Тўқай... Шўр... Қишлоқ теги —

Ентоқзор-ди, —

Кераги йўқ ортиқча сўзининг!

Мана, энди кўзингизга ойнадай равшан.
Мумкинмикан чўлда боғлар, бўстонлар битса?
Тўғримикан „Ер паст, нохуш бўлади“ деган?
Мумкинмикан шундай ердан юз центнер унса?
Бари мумкин!

Фақат меҳнат!

Тер тўк ва жон чек!

Боболардан қолган яхши битта мақол бор:
„Қийинчилик енгилмаса — бўлмас тириклик!“
Ана шундай,

Ҳали иш кўп, ҳаддин улуғвор.

Мана, ҳали бу ёғимиз шундай тўқайзор.
Қачонгача айланамиз шу кафтдай жойда.
Докторхона керак, мактаб эски, бу йил тор.
Яна қанча-қанча ишлар бордир планда!..
Вакил бўлиб бориб келдим „Тонг“ колхозига.
Шаҳар, шаҳар... Ана, қишлоқ, ҳавасинг кетар!
Давлатимиз хўб оталиқ қилмоқда бизга.
Кўнгилдаги қўлдан келса — ҳамма иш битар!
Қарсак ва соз. Дадил-дадил айтилди шиор:
— „Омон бўлсин, улуғ доҳий!“

„ — Совет Ватани!“

Янграб кетди сутдай нурни қучган олмазор,
Ҳатто осмон — юлдузларнинг ёниқ чамани!

АСҚАД МУХТОР

МАРДЛИК ЧЎҚҚИСИ

Болалар театрлари учун 4 кўринишли сахна асари
(пролог ва эпилог билан)

ИШТИРОК ЭТАДИЛАР:

Искандар — пионер

Марк Жуан

Кекса рассом

Мишаков — инженер

Николай Антонович — врач

Инженер — инглиз

Собир — пионер

Пионерлар, уқувчилар, инженерлар, ҳамширалар.

ПРОЛОГ

Пионерлар лагери. Кеч. Палатанинг ичи. 5-6 койка. Енда бир столга эляон ёзилган, 6 зеталар қўйилган. 4-5 пионернинг қўлида газета. Стол ёнида Искандар билан Собир қизгин суҳбатда.

Искандар — Сен ҳали ҳам ўқитучининг топшириғини бажармаяпсан-а?

Собир — Дарс тайёрлаяпман-ку.

Искандар — Адабиётдан мана бу рўйхатда кўрсатилган китобларнинг нечасини ўқиб чиқдинг?

Собир — Сени менга мактабда боғлаб қўйган эди, буер—лагерь. Ўз билганимни қиламан, хужайинлик қилма. (газетага тикилди).

Искандар — Ҳозир индэмасам ўқиш бошлаганда яна менга юк бўласан. Газетани эрталаб ўқийдилар, мана бундай бўш вақтда кўлингга китоб олсанг-чи. Химиядан ҳам кузга қолдирилгансан.

Собир — Мана бу химия бўлмай нима? Тўхтачи, ўзингдан сў-

раб қўяй. Менделеев жадвалида нечта элемент бор?

Искандар — Қани-қани, бу қанақа газета ўзи?

Собир — Йўқ, қараб олиш йўқ. Шундай айтчи, нечта?

Искандар — 92 та.

Собир — Бекор айтибсиз. Газета ўқисангиз бўлмайдим. Яна 2 та янги топилди.

Искандар — Қани-қани?

Собир — (газетани бекитади) Йўқ, йўқ, яна бир саволимиз бор: Уран қанақа модда?

Искандар — А, сен атом энергиясидан фойдаланиш ҳақида ўқиясан, билдим. Қани-қани обкечи! (Собир газетани бермайди) Буёққа берчи, ҳа, биламан: Уран энг қимматбаҳо модда, у дун'ёда жуда оз миқдорда ҳисобланади. Қани обкечи.

Собир — (газетани берди) Искандар, менга қара, шунақангги моддаларнинг кининг топиб олсанг-а!?

(Искандар индамади, газетани жиддий ўқий бошлади. Чироғ иккинчи гуруҳ болаларга тушди. Уларнинг ҳам қўлида газети)

I бола — (газетани буклаб) Менга қаранглар, Англия бизга дўст-а?

II бола — Албатта-да, бўлмасачи!

III бола — Булмасачи! Германияда фашистларни йўқотишда Англия аскарлари ҳам қизил аскарлар блан бирга урушган-да, Англия биз блан шунақангги дўстки!

I бола — Нимага бўлмаса, мана қаранглар (газетани очиб бошлайди) Мана: „Англиядаги тескаричи доиралар...“ (бу вақтда-Искандар келиб аралашди.)

Искандар — Тўхтанглар, бу ерда ҳамма англиялилар ҳақида эмас, уердаги ба'зи тескаричи... ҳалиги, урушни истовчи бирнечо бузуқилар ҳақида ёзган.

II бола — Қанақангги бузуқи? Англия бизга дўст бўлгандан кейин...

(Ётишга чақиручи сигнал овози эшитилди, ҳамма ётишга шошилади).

II бола — (ёта туриб) Дўст бўлгандан кейин нимага урушви истар эмиш, бу тўғри эмас.

Искандар — (ёта туриб) Тўғри, бутун Англия бизга дўст. Аммо у ерда жуда кўп бузуқи империалистлар бор...

I бола — (ёта туриб) Ҳа-ҳа, ўшалар бизга қарши, улар...

III бола — Ҳой энди жим бўлинглар. Ҳозир Николай Антонович келиб қолсалар, яна сўкадилар. Кеча ҳам 7-нчи палата ўз вақтида ётмайди деб анча гап қилдилар.

II бола — Бўлмаса, Искандарнинг гапи тўғрими? Мана, Николай Антонович келганларида сўраймиз, кимники тўғри экан, ўшанда кўрамиз.

Искандар — Сен билмабсан, ўша тескаричи доиралар дегани ба'зи йиртиқич империалистлар дегани. Ўшалар...

II бола — Улар озгинада! Бутун англичанлар уларни ёмон кўради.

III бола — Ҳой, ана, оёқ товуши келяпти, Николай Антонович ўтаяптилар!.. (ҳамма жим бўлди. Чироф пасаяди. Анчагача тинчлик).

Искандар — (яна ўрнидан туриб) Менга қара, ўша бузуқиларчи, уруш очиб, ўшандан фойда қилмоқчи бўлади. Улар ичда қолоғроқ мамлакатда бемалол кезиб юриб, ундаги бутун бойликларни ўзига қаратмоқчи бўлган муттаҳамлари ҳам бўладики...

III бола — Жим! Николай Антонович!

(Врач кирди. Чироф ёруғлашди.)

Врач — Бу палатада ҳар вақт сигналдан кейин ҳам говур-гувур тинмайди, нима деган гап?

(Анчагача тинч тургандан кейин. I бола секин ялингандай запиради)

II бола — Николай Антонович, ҳикоя айтиб беринг, шовқун солмаймиз.

Врач — Йўқ, дўстларим, бугун шундай ҳам анча кеч ётётирсиз, эртага гимнастикага кечикасиз.

II бола — Николай Ант..

Врач — Йўқ, йўқ. Мана эртага десанглар — майли. Москвадаги метрополитень тўғрисида ҳикоя қилиб берай.

Искандар — Сиз Москвада бўлганмисиз! Николай Антонович! Москванинг ўзида я!

Врач — Мен Москвада туғилганман, Искандар:

Собир — Ростданми, Николай Антонович!

Врач — Ўша ерда туғилиб, ўша ерда ўсганман.

Искандар — (ўрнидан турди) Москва! Сиз бахтли экансиз, Николай Антонович! Жуда бахтли экансиз. Баланд ҳайкаллар! 12 қабатли уйлар! Метро! Кремль!..

Врач — Сен қачон боргансан, Искандар.

Искандар — Мен... кўрганим йўқ, ҳамма гап шунда-да, Николай Антонович.

Собир — Бу йил албатта борамиз.

Искандар — (ўтирди) Николай Антонович, бу йил албатта бормоқчимиз.

Врач — Қандай қилиб?

Искандар — Ўлкамиз бўйлаб саёҳат қиламиз. Энг яхши сайёҳларга Москвага бориш учун йўлланма берилар экан. „Пионерская правда“ни ўқидингизми, Николай Антонович?

Собир — Ҳа, шунақа, Николай Антонович.

Искандар — Биз саёҳатга чиқамиз.

Бир нечаси — Албатта саёҳатга чиқамиз!

Врач — Қаерга?

Искандар — Ана шунисига ҳайронмиз-да...

Собир — Николай Антонович, сиз маслаҳат беролмайсиэми, қаерга саёҳат қилсак экан?

Врач — Аҳа, тўхтанглари бўлмаса (*асбобларини қўйиб ўтирди, уни ўраб олдидар*) Мана бу, ёнингиздаги темирйўл станцияси... нима деб аталади?

Болалар — Федченко!

Врач — Федченко. Балли. Ўйлаб кўрганнгиз борми, нима учун бу станция Федченко деб оғалади экан?

(Болалар Искандарга қарадилар.)

Искандар — Йўқ, билмаймиз, Николай Антонович.

Врач — Хўш... Василий Андреевич Федченко буюк сайёҳ, у мана бу Фарғонанинг жанубидан бошлаб, то Тянь-Шан тоғларигача, боши булутга теккунча пиёда юриб, сирли музликларга чиқиб борган. Федченко чиқиб борган энг баланд чўққи Мардлик чўққиси деб аталади. Унинг ажойиб саёҳати ҳақида катта китоб бор. Тянь-Шан орқасидаги мамлакатларга дарбоза очган ўша сайёҳ аслида мана шу ёнингиздаги станциядан чиқиб кетган эди. Бу ажойиб одам ҳозир ўзи йўқ албатта, лекин унинг юрган изи сра ўчмайди.

Искандар — Чегарадан ҳам ўтиб кетганми, Николай Антонович!

Врач — Сиз ёш сайёҳлар Федченконинг маршрутини қўлга олиб, унинг юрган изларидан чиқиб кетишингиз ва буюк сайёҳ етган музликларгача боришингиз мумкин. Биринчи одам қадами етган жойларни, машҳур Федченконинг оёқ изларини ўз кўзингиз билан кўришингиз, баланд чўққилардан ошишингиз мумкин. У йўлларда юриш жуда оғир, лекин жуда қизиқ.

Искандар — Николай Антонович, борамиз!

Собир — Николай Антонович, бизга ўша китобни топиб беринг.

(Болалар врачни қуршаб оладилар.)

Болалар — Биз музликларгача борамиз!

Искандар — Никола Антонович, Мардлик чўққисига қадар борамиз.

Врач — Шошманг, шошманг. Ўринларингизга боринг. Бу жуда оғир иш. Яхшилаб ўйлашиб кўриш керак.

Искандар — Бизга Федченко ҳақида яна гапириб беринг.

Врач — Хўп, қани, ётинглар-чи, кеч бўлди. Эртага, эртага.

Искандар — Николай Антонович, ҳали эрта...

Врач — Мен сизга аввал Федченконинг маршрутини чизиб бераман, яхшилаб ўрганасиз.

Искандар — Ростданми, Николай Антонович?

Врач — Чизиб бераман, отрядингизда муҳокама қиласиз. Ха-

рята ҳам топиб бераман. Ҳозир эса, қани, ётинглар, ухланглар.
(*Ётадилар*)

Собир — Эсингиздан чиқиб қолмасин.

Искандар — Эргалаб азонда, хўпми, Николай Антонович?

Врач — Албатта, албатта, тинчланинг. Ёгинг. (*Устларини ёпади. Кўрпаларини тўзатиб қўяди*) Яхши ухланглар, болалар.

Болалар — Хайр, Николай Антонович, эсингиздан чиқмасин! (*врач чирроғни учирди. Бериги койкада Искандар хаёлман кўзини юмди. Ёруғ унинг юзида. Қоронғилик босди*)

П а р д а

БИРИНЧИ КЎРИНИШ

Тоғ этагида ўрмон. Тоғдан юмалаб тушгач катта қоғош ёнида ҳало катта учраган аэроплан. Искандар билан Собир шошиб йўл излайдилар.

Искандар — (*қиққиради*) Ўртоқ вожатий-ий-ий!!! (*Ўрмондан акс садо эшитилади!*) Бўлди Собир, чинакамига адашдик.

Собир — (*қўлини оғзига қўйиб*) Болалар-ў-ў! (*акс-садо: „ў-ў-ў!“*, *қулоқ соладилар, жавоб йўқ*).

Иккиси — (*қаттиқ*) *Биз бу ердამиз!* (*Акс-садо: „Ми-и-и-зі!“*)

Собир — Сен ўзинг кўрмаган Москва кўчалари тугрисида гапирабериб... мен ҳам кетаберибман.

Искандар — Бу ерга қаёқдан келиб қолдик ўзи? Гулхон ёқмаймизми?

Собир — Энди кеч кирди, тутунни ҳечким кўрмайди. Юрган йўлимизга шартли белгилар қўяборишимиз керак, жуда узоқ кетганга ўхшаймиз (*ўсиб турган ўтларнинг учини тугиб-туғиб қўяди*).

Искандар — Харита деб олганим оқ қоғоз-ку, компас ҳам қолибди. (*Якка дарахтга қапаб*) Шимол мана буёқда, кўрдингми дарахнинг бу тарафи сербарг.

Собир — Шимолни билганинг билан, юргани йўл бўлмагандан кейин...

Искандар — Буёқ — тоғ, буёқ — ўрмон. Бу ерга қачон келдик ўзи? Бугун тунни ўтказиб юборсак, эртага кечгача йўлни аниқлайдиган бирор нарса топар эдик.

Собир — Бу ерда ҳеч одам юрмаган бўлса керак.

Искандар — Сен кўрқияпсанми?

Собир — Бу ерда айиқ ҳам бўлса керак...

Искандар — Тўхта, ана у нима?

Собир — Кўзингга нималар кўринияпти ўзи?

(*Искандар аэроплан то монга югурди, яқинроғида тўхтаб. Собир иш имлади, етаклашиб яқин келдилар*).

Собир — Аэроплан!
 Искандар — Одами қани?
 Собир — (яқинроқ келиб) Бузуқ. Йиқилиб тушибди. (Аэро-
 планнинг, атрофини айландилар) (Собир ичкарасига кирди.)
 Собир — Искандар!
 Искандар — Нима?
 Собир — Одам! (кириб боқдилар) Ўлипди... учучиси экан.
 (Бош кийимларини олдилар)
 Искандар — У уни ёлғиз бўлмаса керак.
 Собир — Нима қиламиз? (Ичграган овоз эшитилади.) Жим!
 Собир — Айиқ! (Яна товуш).
 Искандар — Одам!
 Собир — Учучи улмаган бўлса-чи?
 Искандар — Йўқ! Буёқда. (Товуш чиққан ёққа юрдилар.
 Яна товуш)
 Иккиси — Одам!
 Искандар — (ёнига бориб) Тирик! Кимсиз? (Одам индама-
 ди Собир унинг юрагига кулоқ солади) Қон оқияпти! Собир
 енгини йиртди) Тез! (Бошини ва қўлини бойлашдилар.)
 Собир — Кимсиз? Аэропланданми? (Одам ингради.) Сувинг-
 дан борми, Искандар? (Юзига сув сепадилар.)
 Одам — Сиз...
 Искандар — Жим! Гапирияпти!
 Собир — Гапиринг, биз пионерлармиз...
 Одам — Васильев! (Болалар улган учучи томонга имлаш-
 дилар.)
 Собир — Учучи Васильев...
 Искандар — Касал.
 Одам — Сиз...
 Искандар — Биз — пионерлармиз.
 Одам — Пионерлар...
 Искандар — Сиз кимсиз?
 Одам — Инженер... Мишаков... Москва...
 Искандар — Москвали инженер.
 Собир — Мишаков. Ўртоқ Мишаков!
 Искандар — Жим! Гапирияпти.
 Мишаков — Мен... ўламан...
 Искандар — Йўқ, ўртоқ Мишаков...
 Мишаков — Харита... сизга топшириқ...
 Иккиси — Доим тайёрмиз, ўртоқ инженер.
 Мишаков — Васият... харита...
 Искандар — Харита! (Собир чопиб борби аэропландан
 сумгани келтирди-ундан қўлда чизилган харита чиқди.)
 Мана, ўртоқ инженер!
 Мишаков — Муҳим... чегара чизиғида... Уран... Москвага
 етказинг... Уран... Москва... (У каттиқ қийналади)
 Искандар — Ўртоқ Мишкова!

Собир — Ўртоқ инженер!
Мишаков — Қўлдан... берманг... жон... жондан артиқ сақланг... Москва...

Искандар — Ўртоқ Мишаков! *(Инженер қийналиб ўлди)*
Иккиси — Ўртоқ инженер!
Искандар — Ўлди... Москвали инженер Мишаков! Эшитдингми? Москвали инженер!

Собир — Тўхта! Уран дедими?

Собир — Тўхта! Бу харита... Мана чегара чизиги. Мана! Чегаранинг икки томонида ҳам нимадир борлиги мўлжалланган.

Искандар — Бу Москвавали инже ернинг топгани. Бу ўша Уран топилган жойнинг харитаси. Москвали инженернинг топгани ҳе кимнинг қўлига тушмаслиги керак.

Собир — Қизиқ, инженер ўлаётиб ўзи ҳақида ҳечнарс айтмасдан, шу харита ҳақида гапирди.

Искандар — Демак, у ўз ҳаётидан кўра мана шуни юқори қўяди.

Собир — Бу чиндан ҳам муҳим...

Искандар — Биз бу харитани Москвага етказамиз!

Собир — Уни ҳечкимга кўрсатиш ярамайди. Инженернинг гапини эшитдингми?

Искандар — Чунки уран топилган жой чегара чизигига яқин ёки унинг устида. Бу буюк ихтиро Москва инженери номида қолиши керак.

Собир — Москвага етказамиз!

Искандар — Етказамиз!

Собир — Йўл-чи? Адашганимизни унутдингми?

Искандар — Айтгандай, нима қиламиз? Бу ерда бир минут ҳам тўхтаб туриш ярамайди. Нимага десанг, Уран Москва номида қолиши керак.

Собир — Тўхта-чи! *(Харитани яна қараб ўқиди.)* Дазрбо чўққиси, Шайтон тоғ, Мардлик чўққиси, худди Мардлик чўққисида...

Искандар — Аэроплан ҳам чўққидан ошганда тошга урилган... *(Пауза)* Етказамизми?

Собир — Етказамиз!

Искандар — Улага сўз берамизми?

Собир — Ўртоқ инженер! Қасам ичамиз...

Искандар — *(Тиз чўкиб)* Биз инженер М. нинг харитасини мутлақо сир сақлаймиз. Уни Москвага етказишга, бу йўлда учраган огирлик ва хавфларни чидам блан энгишга, агар зарур бўлса Буюк Москванинг шон-шарафи учун ўзимизни қурбон қилишга қасам ичамиз! *(Собир)* Такрорла.

(Собир такрорлайди, инженер блан учучини аэроплан ичига кир.изио қўядилар. Уричларидан туриб. қўл беришадилар.)

Собир — Йўлни қандай топамиз?
Искандар — Эртани кутмаймиз. Ҳозир иккимиз икки томов-
га йўл оламиз. Ё сен, ё мен. Биримиз йўқолсак, биримиз йўл
топамиз.

Собир — Харитани-чи?

Искандар — Харитани икки нусха кўчириб оламиз.

Собир — Хўп. (Кўчираб ошлайди).

Искандар — Мен сухар ни буламан.

Собир — Мана! Бири сенга, бири менга.

Искандар — Мана сухарининг ярими. Мен буёққа.

Собир — Мен буёққа.

Искандар — Хайр (қўл беради).

Собир — Хайр.

Искандар — Қасам ёдингда бўлсин!

П а р д а

ИККИНЧИ КЎРИНИШ

Кечки паёт. Ялаглиқ жой. Саҳнанинг сўл четида чодир. Унг ёнида
кекса рассом иш устида. Унинг олдида бўёқ ва чўткалар. Сепоя усти-
да чала ишланган сурат. Рассомнинг ётадиган жойи ҳам шу ерда. Чи-
роқ рассомга тушиб турибди. Уёқ — бўёққа қараб Искандар келиб келди.

Искандар — Салом, бобо! (Рассом ўрнидан туриб, ҳай-
ратда қолди.)

Рассом — А, кимсан?

Искандар — Бу қанақа жой? Қаерга келиб қолдим?

Рассом — Бу — Афғон ери. Буёққа юрсанг — чегара.

Искандар — Чегара? Чегара яқинми?

Рассом — Уч чақирим.

(Искандар ҳаяжонланди, юзида оғир ғам нишониси кўринди.)

Искандар — Бобожон, мени тун адаштирди. Йўл тополма-
гандан кейин бир тоғ чўққисига чиқдим. Учиб Москвага кетмоқ-
чи бўлдим, анча учдим ҳам, нима бўлганини билмайман, мана бу
ердан чиқиб қолдим.

Рассом — Ажаб, Москвага учмоқчи бўлдим дедингми?

Искандар — Ҳа.

Рассом — Сен Россияданмисан?

Искандар — Ҳа, тун адаштирди, бобожон, сиз кимсиз?

Рассом — (атрофига қараб, Искандарни бағрига бо ди)
Мен афғонман, уғлим, бизни қоралар дейдилар, касбим рассом-
лик, лекин мана буларга қулман. (Чодирни кўрсатди)

Искандар — Булар ким?

Рассом — Ингилизлар.

Искандар — А! Бобожон, менга тезроқ йўл кўрсатинг,
мен... мен тез кетмасам бўлмайди.

*(Чироғ чодирга тушди. Унда Марк Жуан ва ингилиз ин-
жеселери овқат қилиб, вино ичиб ўтирибди)*

Инженер — Бу ерларни яна юз йил текширсангиз ҳам, бойлигини тугатаолмайсиз, жаноб Марк Жуан.

Марк Ж. — Сиздай текширучи инженерларга куп марта йўлдош бўлганман. Ҳаммаси ҳам шу фикрда.

Инженер — Мана бу тоғлар! Дунёда энг қимматбаҳо моддаларнинг битмас — туганмас ҳазинаси.

Марк Ж. — Афсуски, уларнинг асосий қисми советлар Россиясига қарайди.

Инженер — Уларнинг мана бу қоралар мамлаката томонга чўзилган этаклари ҳам жуда бой. Менинг бу юришим ана шу жойларга яна бир ҳамла қилишдан иборат эди. Сиздай бақувват ватандошимни учратиб, ўзимга йўлдош қилолганимдан чексиз хурсандман. *(Вино қуяди, ичдилар)*.

Марк Ж. — Бу ернинг ўзига йирик бир шаҳар тушмайтуриб, бу бойликлардан тўла фойдаланиб бўлмайди. Лондон ёки Москва сингари бир ишчи шаҳри, бу ерга ош — сувдай зарур. *(Чироғ И. каҳдарга тушди, у „Москва“ сўзини эшитиб, ташқаридан тинглайбошлади)*.

(Чироғ ичкарига тушди)

Инженер — Москвани кўрганим йўқ.

Марк Ж. — Москвами? Оддий бир ишчилар шаҳри. Ифлос вшчиларнинг баракларидан иборат. 800 йиллик вайрона. Ҳозир аса, қорамойга ботиб, тутун ҳиди келиб турган вшчилар минглаб жойга умумий бараклар солиб олганлар.

(Ташқарида Искандар бетоқат, юзида ғазаб)

Искандар — *(чидолмади)* Тухмат!

Марк Ж. — *(чодирдагилар ўрниларидан туриб, югириб чиқдилар)*. Нима гап?!

Искандар — *(Марк Жуанга)* Уятсиз! Ёлғончи!

Марк Ж. — Сен кимсан? Қаердан?

Искандар — Москвани мен биламан! Тухматчи!

Марк Ж. — Москвани биласан? *(Искандар қочмоқчи бўлиб эди, бир жойдан силжийолмади, тушдагидай бир жойда югураб-ғди, уни ушлаб олдилар. Марк Ж. унинг дўпписини олди, қўлига йина кирди. дўп пиниқараса. жиягидан қоғоз чиқди. Очиб қарадилар. Файрат аламли афсус қилди, лекин кўзида айёрлик аломати кўринди ва гўё э'тиборсиз қараб турди)*.

Инженер — Харитал

Марк Ж. — Тўхтанг, тўхтанг...

Инженер — Мишаков! Аҳа, сиз бу одамни билмайсиз... Харитани менга беринг, бола кетмасин.

Искандар — Дўппимни беринг!

Инженер — Мишаков! Мен уни биламан. Москваги инженер. Биласизми, жавоб Марк Жуан, бу киши мана шу тоғларнинг машҳур текширучиси. . Бунда гап бор...

Марк Ж. — *(харитага қараб)* Уран! Шайтон тоғ! Мардлик чўққиси!

Инженер — Мардлик чўққиси. *(Искандар)* Сен бунга қардан олдинг?

Искандар — Бу дўппининг тикилганига 5 йил бўлди. Ичига одатда қоғоз солиб тикадилар. Қоғоз ҳам албатта ўша тикилган вақтда солинган.

Марк Ж. — Бола — анча-мунча гадо эмас.

Инженер — Ҳа, бола эмас, балки ўз аяғи блан юриб келган хазина.

(Марк Жуан ҳайбатли итини занжирдан бўшатди. Улар бир-бирларига маъноли қараб қўлдилар).

Инженер — Эрталаб йўлга, чиқамиз, жаноб Марк Жуан!
Марк Ж. Эрталаб йўлга! *(Искандарни чодир ташқарчисига занжирлаб қўяди, Искандар дод солмоқчи, лекин тушаддай овози чиқмайди)* Эшитдингми, эрталаб йўлга! *(Ичкисига кириб кетди).*

(Улар ётадилар. Тинчлик. Рассом боланинг қўлга тушганини, гапнинг нимади эканини сезиб, безовталнади, ўзининг қилмишидан афсус ейди. Аста Искандарнинг ёнига келди, Искандар рассомга ташланиб йиғлайди).

Искандар — Бобожон...

Рассом — Болам, кечир...

Искандар — Йўқ, мен ўзим... Чидайолмадим. Ҳазабим қайнади. Эшитдингизми, Москва ҳақида нима деди? Бобо.. ана шу ердаги портфельни мен томонга бироз силжитинг. *(Чоғи портфельни силжитди Искандар харитани олди. Портфельни жойига қўйдилар)*

Искандар — *(харитани олиб кўкрагига босди)* Бобожон, энди мени қўйиб юборинг.

Рассом — Фойдасиз.

Искандар — А? *(Рассом ястаниб ётган катта итни кўрсатди)*

Рассом — Ернинг тегидан ҳам тутиб беради. Мен сенга фақат яхшилик истар эдим. Лекин... буердан энди кетаолмайсан.

Искандар — Нима қиламан? Ўзим-лу майли... бу... *(Харитани кўрсатади).*

Рассом — Бунга йиртиб ташла.

Искандар — А! Сиз нима деяпсиз?! Тўхтанг... Рассомсиз-а?
Буни кўчира оласизми?
Рассом — Нимага?

(Искандар кўйлагини кўтариб, орқасини очди ва рассом олдига ўтирои).

Искандар — Туш блан.
Рассом — Чидайсанми?
Искандар — Чидайман.
Рассом — Уч йина блан.
Искандар — Жуда соз.

(Рассом унинг орқасига уч йина блан тушда харитани кўчира бошлади).

Рассом — Ўзинг Москвалимисан?
Искандар — Ф ф-ф... аҳ, йўқ.
Рассом — Қаерликсан?
Искандар — Ф ф-ф... аҳ, қуволик.
Рассом — Қуво?
Гайрат — Ф-ф-ф... аҳ, ҳа, Ўзбекистонда, ф-ф-аҳ...
Рассом — Ўзбекмисан?
Искандар — Ф-ф-ф... аҳ, ҳа бўлдимми?
Рассом — Ҳозир.
Искандар — Ҳа, сўзларини ёзманг, ёддан биламан.
Рассом — Хўп, бўлди.

(Искандар харитани рассомдан олди. Яна бир марта тикилиб, ўчоққа ташлади)

Рассом — Энди ўзингни мажбур этадилар. У жойга ўзинг бошлаб борасан.

Искандар — Мен у жойни ўзим билмайман. Дун'ёда икки киши билар эди, иккиси ҳам ҳалок бўлди. Дун'ёда икки нусха харитаси бор эди, бири, ана, кўйди.

Рассом — Улар сени ҳалок этадилар.

Искандар — Мени ҳалок эгандан уларга нима фойда? Кулини майдалаб ташланг.

(Чироғ чодирга тушди. Марк Жуан уйғонди. Қаради: тинчлик. Ухлаётган инженернинг устига келди).

Марк Жуан — *(бирдан алақсирогандай)*! Уран, Шайтон тоғ-

(Ёнидан ҳанжар олиб, инженерга санчди).

П а р д а

УЧИНЧИ КЎРИНИШ

Марк Жуаннинг сафар ўлови тоғ ёнбағрига келиб тўхтади. Рассом хўжайини учун чодир қурмасқа, Марк Жуан қўлини орқасига қўйиб олдинкетин юради.

Марк Ж. — Марк Жуан! Жаҳонда ягона Марк Жуан. Уран хазинасининг хўжайини. Уран! Ҳей чол, сен уранияг нима эканини биласанми? У жаҳонда энг қиммат ва энг нодир мадан. Олтин хазинасининг хўжайинини Европада назарга илмайдилар. Уран хазинаси-чи! Бундай хазинанинг хўжайинини зиёрат қилишга не-не миллионерлар орзуманда. Ана, ўзингнинг кимнинг қули эканингни шундан билабер, чол!

Рассом — Бу ерда узоқ турамизми, жаноб Марк Жуан?

Марк Ж. — Ҳозир йўлда давом этамиз, чодир тайёрми?

Рассом — Тайёр. Инженер жанобларини уйғотмаймизми?

Марк Ж. — Дарвоқи!... *(Инженернинг портфелини қўлига олди.)* Уни... Мана бу чуқурга кўминглар... *(Чодирга кириб кетди)*

Рассом — *(Искандарга)*... Кўминглар? *(Ҳайратда)*

Искандар — ... Чуқурга... *(Юзи оқарди, чолга тикилди.)*

Искандар — Бобожон! Бу одам... Муттаҳамгина эмас, жаллод ҳамми?..

Рассом — *(чодирга қараб қўйиб, Искандарни кўксига босди)* Даҳшатли одам, ўғлим! Сенинг ҳам ҳаётинг таҳликада... Таҳликада...

Искандар — Сиз... ўзингизнинг тирик қолишингизга ишонасизми, бобо?

Рассом — Токи кераклигим бор... Бугун керак бўлмай қолсам — бугун менинг яшашим тамом.

Искандар — Қандай кўрқинч...

(Улар ўликни кўтариб чуқурга элтаётганда, Марк Жуан чодирдан югириб чиқди. Қўлида инженернинг портфели, портфель очик, қоғозлари сочиллиб қолаёттир. Марк Жуан Искандарнинг бўғизидан ушлайди. Улик ерга тушиб кетади.)

Марк Жуан — *(Йиртқичларча жеркиб)* Харита!.. Харита қани! *(Искандар индайолмади.)* Харита қани дейман!..

Искандар — Мен билмайман.

Марк Ж. — *(уни тинтиди. Рассомга)* Харита, кекса алвасти, харита дейман!

Рассом — Бундан менинг хабарим йўқ, жаноб Марк Жуан.

Марк Ж. — *(Искандарга)* Қаерга қўйдинг?

Искандар — Мен олганим йўқ.

Марк Ж. — Сен! Ё харитани топиб берасан ёки Шайтон тоққа, Мардлик чўққисига ўзинг бошлаб элтасан!

Искандар — Шайтон тоғ блан Мардлик чўққисини кўрган эмасман...

(Марк Ж. жавоб ўрнига туппанчанинг учини курсатди ва итти етаклаб кетди).

Искандар — Бобожон! У тоғни чиндан кўрганим йўқ...

Рассом — Кўрсанг-кўрмасанг, барибир... (Инженерни кўмадилар)

Искандар — Нима, „барибир“?

Рассом — Барибир у сени нобуд қилади.

Искандар — Бобожон! Ахир... Ахир ўлсам бўлмайди... Мен ўлмаслигим керак. Харита Москвага етиши керак, бобо! Москва!

Рассом — Сен энди ўз ҳаётинг ҳақида ўйлашинг керак.

Искандар — Мен ҳали ҳам... мен тирик қолишим керак... бобо! (Чолга осилди).

Рассом — Менинг ожизлигимни билмайсанми, ўғлим? (Тупроқ ташлайдилар).

Искандар — Бобо, жур'атингиз етадими?

Рассом — Нимага?

Искандар — Уэ ҳалокатимизнинг олдини оламиз.

Рассом — Қандай қилиб, ўғлим?

Искандар — Икки кишимиз... Жаллодни даф этсак сра гуноҳи йўқ.

Рассом — (Искандарнинг оёғига тиз чўкди) Ўғлим, жон ўғлим! Менинг ҳолимга ачин! Жон ўғлим!

Искандар — Нима деяпсиз, бобо?

Рассом — (яликиб) Қайт, ўғлим, бу фикрингдан, қайт. Зинҳор ўйлама. Мени одамлар қаҳрига йўлиқдирма.

Искандар — Қандай қилиб, бобо?

Рассом — Бу жаллоднинг бирор ерда ҳалок бўлганини етишсалар, унинг ҳамкорлари менинг уруғ-аймоғимни қуритиб юборади. Менинг болаларим бор, хотиним бор, уларни умрбод зиндонга ташлайдилар. Асло ҳаёлингга келтирма, ўғлим. Мени қизғон...

Искандар — Мен нима қиламан? У мени ўлдиради. Собир ҳам йўл тополмаган бўлса, нима бўлади. Инженер Мишановнинг қабри устида қасам ичганмиз.

Рассом — Ўлгинг келмайди, биламан.

Искандар — У ҳозир мени отиб ўлдиради.

Рассом — Сен бундай қил...

Искандар — Қандай?

Рассом — ...Бошлаб борабер.

Искандар — Мен у жойни билмайман, бобо.

Рассом — Тўғри. Бордию билсанг ҳам бошламас эдинг, биламан. Сенинг ўрнигда бўлсам, мен ҳам бошламас эдим. Чунки у ерда бу жаллодни хазина кутади, бошлаб элтучини эса... Ўлим. (Тинчлик) Бошлаб борабер...

Искандар — Қаерга?

Рассом — Қаерга бўлса ҳам... Барибир эмасми?

Искандар — Қаерга бўлса ҳам?

Рассом — Ҳозир унга сўз қайтаришдан фойда йўқ.

Искандар — Тўғри.

Рассом — Ҳозирча бўлса ҳам ҳаётни сақлаш керак. Балки вақт бирор нарса ютиб берар.

(Искандар ўйчан чиқиб кетди. Марк Ж. кирди).

Марк Ж. — Хўш, қани?

Рассом — Шуерда. Йиғлаяпти.

Марк Ж. — Нима дейди?

Рассом — Бегуноҳ асирликдан зорланмоқда.

Марк Ж. — Бегуноҳ?

Рассом — Ҳечқандай харита кўрганим йўқ дейди.

Марк Ж. — А! *(Титраб)* Бу қандай сир! Қани харита! Жаҳоннинг ярим давлати қўлга кирганда мен нима қилиб қўйдим. Энди Марк Жуаннинг аҳмоқлиги жаҳонга ғулғула бўлади. Йўқ мен... мен ўзимни ўзим ҳалок қиламан. *(Искандар кирди)*

Сен мени кечир *(унинг оёғига йиқилди)*. Мени афв эт... Ёрдам қил, мен ўзимни-ўзим ҳалок қиламан. Сен блан биз жаҳонда энг қимматбаҳо хазинанинг хўжайинларимиз. Бу — дун'ёга ҳукумронлик деган сўз, тушиндингми, фақат икки киши — сен ва мен... хазина сенинг ихтиёрингда бўлади. Мен-уни қўлингга киргизиб бераман... Харита сендами?... Айт...

Искандар — Харитани сиз мендан зўрлик блан ўзингиз олгансиз. У мана бу содиқ йўлдошингизда эди. *(Инженернинг гурини кўрсатади)*. Уни ўлдирганлар харитани ҳам олган бўлса керак. Мен билмайман. Лекин харита бир қоғоз, халос. Хазина... Москваники.

Марк Ж. — Бас... *(Ўрнитдан турди)* Бас! *(Пауза. Рассомга)* Отларни қўш. Сен эса *(Искандарга)* мени Шайтон тоққа, Мардлик чўққисига бошлайсан.

Искандар — Кўрган эмасман. *(Марк Ж. тўппанчанинг учини кўрсатди)*. Уни кўрмаган бўлсанг, мана буни... кўргандирсан...

П а р д а

ТУРТИНЧИ КЎРИНИШ

Улов балан, қиррали тоғ ёнига келиб тўхтади. Марк Ж. катта соябонни йиғиштириб, аравадан тушди ва итга суғоргани олиб кетди. Искандар ва рассом бир-бирларига аламли қарашдилар.

Рассом — Қаерга элтаётирсан?

Искандар — Барибир эмасми, бобо.

Рассом — Ўлигимиз одам қадами етмаган тоғ-тош орасида қолади, ўғлим. Бу нотайин йўл бошловинг... қачонгача...

Искандар — Бобо! У қаерга кетди?

Рассом — Дар'ёга, итга суғоргани.

Искандар — Қандай дар'ё?

Рассом — Панж дар'ёсининг тармоғи бўлиши керак.

Искандар — У шимолга томон оқаётир! Бобо! *(Ўрнидан турди — дар'ёга тикилди. Аравадан тушди)* Бувёққа тушинг. *(Атрофга қараб, ерга ўтирди, этагини кўтариб рассомга орқасини тутди, қўлига қоғоз берди)*. Бобо, яхшилаб кўчиринг, тез...

(Рассом атрофга қараб унинг орқасидан харитани қоғозга кўчирабошлади).

Рассом — Сен... Яна нима ўйладинг? Ихтиёт бўл. Бу нусха нимага керак? Унинг қўлига тушса... Сен ҳам, мен ҳам унга керак бўлмай қоламиз — у бизни шуерга кўмиб кетади.

Искандар — Бу унинг қўлига ҳечқачон тушмайди. Менинг қасамим бор, бобо, тушинасиэми, бу — Москваники!

Рассом — Хўш, нима қилмоқчисан?

Искандар — Дар'ё биз томонга оқаётир!

Рассом — Мана, тайёр. Хўш?

Искандар — Устига ёзинг: „Совет граждани! Бу харитани Москва академиясига етказиш сенинг муқаддас бурчинг. Пионер Искандар“. *(Кичкина бутилкага буклаб солди ва оғзини беркитди)* Оқизаман!

Рассом — Ихтиёт бўл, у ҳозир қаршингдан чиқади.

(Марк Ж. кириб келди).

Марк Ж. — Отладинг, йўлда давом этамиз.

Искандар — Йўлга сув олиб олай, жаноб Марк Жуан. *(кетди)*.

(Марк Жуан итини такалаб иккинчи томонга ўтиб кетди).

Рассом — Ё тангрим! Бу одам боргансари кўзимга даҳшатлироқ кўринаётир. Болага ачинаман. Бу уни бугун эмас-эртага отиб ташлайди. Қандай ақлли бола! Ўз Москвасини нақадар севади у! *(Искандар кирди)*

Искандар — Бўлди, бобо! Энди!.. Энди мен йўл бошлашдан бош тортишям мумкин!

Рассом — А! Нима дединг?

Искандар — Энди бу ма'нисиз йўлбошлашдан бош тортсам бўлади дейман.

Рассом — Қўй ўғлим, қўй! У сени шу тобда нобуд қилади.

Искандар — Энди мен қўрқмайман.

Рассом — Нима учун?

Искандар — Харита шимолга, Россияга оқиб кетди! Москва квали инженер Мишаковнинг буюк ихтироси Москва ша'нига қолади деб ишонаман, бобо.

Рассом — Ўғлим! Ўлдиради!

Искандар — ...Бошқа йўл йўқ. Бошлайберган блан қаерга элтаман, бобо? У барибир сезиб қолади ва барибир тирик юбормайди.

Рассом — Ўғлим!

Искандар — Ҳозир ҳалок бўлганим ва ундан ажралиб қолганим яхши, орқамда нима борлигини биласиз.

Марк Ж. — *(кирди)* Йўлга!

Искандар — Йўл тамом.

Марк Ж. — Нима!?

Искандар — Мен Шайтон-тоғини билмайман.

Марк Ж. — Нима дединг!?

Искандар — Мен йўл бошламайман.

Марк Ж. — Йўл бошламайсан! Мана буни кўрдингми! *(Тўп-пончасини кўрсатди)*.

Искандар — Кўрдим, отинг.

Марк Ж. — *(кўкрагига тақади)* Сен нималар деясан?

Искандар — Мени отинг. Йўл бошламайман.

Марк Ж. — Аҳа! Қани, қандай қилиб йўл бошламас экансан! *(Қамчи олди)* Чол! Кўйлагини еч бу гадобаччанинг. *(Қамчилашга ҳозирланади. Рассом келиб Искандарни ушлади. Кўйлагини ечишга жур'ат қилмай турди, Искандар тилпирчилик қолди)* Еч дейман! Алвасти!

Искандар — Йўқ, йўқ жаноб Марк Жуан! Бошлайман... Ҳозир.. Мана оз қолди.

Марк Ж. — А-а, оз қолди дегин? Қайси тарафда?

Искандар — Ўзим бошлайман. Фақат... Энди пиёда юриш керак. Тоққа чиқамиз.

Марк Ж. — Энди ўзингга келдинг. Ўжарликнинг нима кераги бор. Менинг сенга муҳаббатим зўр. Шу тамондами?

Искандар — Ҳа, шу тоққа чиқамиз. Нарсалар шуерда тураберсин, ўзимиз пиёда чиқиб, аввал кўрамиз. Мен сизга Мардлик чўққисини кўрсатаман.

Марк Ж. — *(тоғ кийимини кийди, рассомга)* Сен асбобларнинг олиб ол. Марк Жуаннинг бўлажак уран хазинасини қозга туширасан. *(Тайёр бўлдилар)* Қани, бошла.

(Искандар қия тоққа бошлаб чиқиб кетди. Улар энг чўққига чиқдилар. У ерда шамол. Искандар шамолдан бекинган кишидай бўлиб, кекса рассомни кучоқлади кўзига ёш олди).

Марк Ж. — Аҳа, бу жойлар худди саноат шаҳри барпо этиш учун қулай жойлар экан. *(Атрофга завқ блан қаради.)*

(Бу вақтда Искандар чўққидан ўзини ташлаб юборди).

Рассом — Ё тангрим!

Марк Ж. — А!

(Иккиси ҳам пастликка қараб, ҳайратда қолдилар)

Рассом — Баракалла, азамат.

Марк Ж. — Нима дединг?

Рассом — Парча-парча бўлиб кетди, деябман.

Марк Ж. — О! Қандай эсипаст одамман. Ахмоқман! Шу ерга келиб етганда-я?! Нега уни занжирлаб олмадим! Ах-ах! *(Пешонасига урди).*

Рассом — Ўжарлигини билар эдингиз, жаноб Марк Жуан. Бир бўлса у бизни бутунлай нотайин йўлга бошлаган. Бу атрофда ҳечқандай Шайтон-тоғ деган ва Мардлик чўққиси деган жой йўқ.

Марк Ж. — Тушдан кейин ақлга кирган алвасти! Қўш отларингни, қайтамиз! Эссиз 6 кунлик сафар! Нақадар ахмоқман... *(Пешонасига уриб, қайтиб тушабошлади).*

(Чироғ ўчди. Қайта ёнганда биринчи пардадаги кўриниш, бузуқ аэроплан, инженер Мишаковнинг қабри пайдо бўлади. Собир кириб келди. У қўлини оғзига қўйиб қичқирди: „Искандар!“ Унинг кетидан учучилар инженерлар, Ни-колай Антонович карадилар).

Собир — Мана худди шуерда ажралганмиз. Мана инженер Мишаковнинг қабри. Бу бизнинг қасам ичган жойимиз. *(Уша ерга тиз чўкиб)* ҳурматли ўртоқ Мишаков! Биз, қабринг устида қасам ичган пионерлар васиятингизни бажардик. Мана Москвали инженерлар, сенинг сафдошларинг қабринг устида турибдилар. Сенинг қимматбаҳо хаританг уларнинг қўлида. Улар сенинг шарафли ишингни давом этдиргани келдилар. *(Ҳамма бош кийимини олиб, қабрга таъзим этди).*

(Пастликдан, дарахтзорда Искандар кўринди).

Собир — Ким бу!

Искандар — Сиз кимсиз...

Собир — Бу ерда инженерлар, учучилар бор.

Искандар — *(Югуриб келиб Собирни қучоқлади), Собир!*

Собир — Искандар!

Ҳамма — А!

Искандар — Мени... *(Ҳаммани бир-бир қучоқлаб.)* Тўғри Москвага олиб борингиз, тўғри Москвага олиб борингиз! Мени тўғри Москвага...

Э П И Л О Г

Прологдаги кўривиш. Эрталаб Николай Антонович, бир-иккита тарбиячи ва ҳамширалар блан блан палатага келиб турибди. Узоқдан уйғониш сизнаи эшитилади.

Уртада Исқандарнинг койкаси. Кўрпаси осилиб тушган. Исқандар ўзи ерда ётибди. У қўлини чўзиб тушида гапиради.

Исқандар — Мени... Мени тўғри Москвага олиб борингиз?
Тўғри Москвага олиб борингиз...

Собир — *(Ухлаб ётган жойидан туриб)* Исқандар тур! Николай Антонович келиб турибдилар!

Исқандар — *(кўзини очди)* А?

Врач — *(кулиб)* Койкадан йиқилиб тушдингми, қани турчи *(болалар куладилар)*.

Исқандар — Койкадан?

Врач — Исқандар, сени нима учун тўғри Москвага олиб бориши керак экан?

Исқандар — Ахир мен... Орқамда...

Врач — Оҳҳо! Ерга ёмон ётиб қолибсан, орқанг қизариб кетибди. Зиёни йўқ. Туш кўрдингми?

Исқандар — Собир?! Туш... *(Пауза)*

Собир — Николай Антонович, Федченконинг маршрутини олиб келдингизми?

(Болалар шовқин блан Николай Антоновичга ёпириладилар).

Исқандар — Туш... Николай Антонович, Саёҳатга жўнаймиз. Бу йил албатта, Москвага боришимиз керак!

Ҳамма — Москвага, Николай Антонович!

Т а м о м

СОДИҚ ҚАЛАНДАР

БИЗ УРАЛДА

*Повесть**

Умар токарлик цехига кирганда қатор станоклардан бирида ишлаётган Тўфахонга кўзи тушди. Тўфахон келишган гавдасига ярашиб турган янги комбинезонда; узун, қора сочларини бошига чамбарак қилиб кўк шоҳи дурра ўраб олган, станогига хиёл энгашган ҳолда, бутун диққати блан ишига берилган эди. Улуғвор ва хаёли бўлиб кўринган бу манзара ичида Тўфахон Умарнинг кўзларига одатдагидан кўра чиройли ва ажойиб бўлиб кўринган эди.

Умар сездирмасликка тиришиб, секин-секин юриб борди-да, Тўфахон яқинига бориб тўхтади, унинг ишига ҳалал бермаслик учун бир пас индамай, ҳурмат ва муҳаббат юзасидан унинг ишини кузатиб турди.

Қўшни станокда ишлаётган Иван Павлович ҳам Умарнинг келишидан беҳабар эди. Чол ҳарзамонда кўз ойнагини пешонасига суриб қўйиб, кафтини оқиб тушаётган иссиқ темир қириндясига тутиб турар, дам станок устидан бир андозани олиб, унга узоқ вақт тикилиб қолар, дам йўнаётган буюмига қараб турар, ниманидир ҳисоблар ва ўлчар эди. Гоҳо кўз ойнаги блаи резистига узоқ тикилиб қараганидан, уни аниқ кўраолмаганлиги билливиб турар эди. Тўфахон мурват калитини қўлига олиб, станок устида бир гайкани бурамоқчи бўлганда, чол кўз қири блан Тўфахоннинг бу ҳаракатини диққат блан кузатиб турганига Умарнинг кўзи тушди.

Охири у қайрилиб қаради, кўз ойнагини пешонасига суриб қўйиб Умарга бир пас тикилиб тургач, унинг илжайишига ҳам парво қилмай, яна ўз станогига ўгирилди. Бир пастдан сўнг чол Тўфахон ёнига келди, унинг қандай ишлаётганига бироз разм солди, бошини станок устига эгиб резисти темирнинг қандай қираётганига қулоқ солиб турди ва шундан сўнг Тўфахонга алланарса деб гапирди.

* Боши ўтган сонларда.

Тўфaxon орқасига қайрилиб қараган эди, Умарни кўрди ва бирдан юзига қоп югуриб қулоқларигача қизариб кетди. У бориб Умарга қўлини чўзиб кўришар экан, баттар қизарди, чунки бугун унинг блан кўришиб бир мартаба сўрашгани эсига тушган эди.

Иван Павлович эса, уларнинг нима тўғрисида гапиришаётганларини эшитмас, ҳатто, уларнинг борлигини ҳам унутган, Тўфaxon станогининг уёқ-буёғини синчиклаб текширмоқда эди. Броқ уларнинг гапи узоққа чўзилмади, орадан уч-тўрт минут ўтмай, Тўфaxon станого ёнига келди. Иван Павлович верстак устида осиглиқ турган чочиққа қўлини артиб, йўлакка томон бурилган Умарга мурожаат қилди:

— Хўш, йигит, нега қочиб чиқиб кетаёпсиз? Ёки биз блан суҳбатлашишни чистамайсизми? — деди Иван Павлович қошини уйиб, асабий тусда:

— Йўқ, йўқ, Отахон, ундай эмас, ноҳотки... — деди юмшоқлиқ блан Умар ва тез-тез юриб келиб чолнинг қўлини маҳкам сиқиб кўришди.—Мен сизни ишдан қолдирмай деган эдим. Тағи мени сўкиб юрманг, ҳозир ҳарбир секунд ҳисобли, айниқса сизларда, токарларда.

— Бу гапинг тўғри, йигит, жуда тўғри!—деди Иван Павлович ва кўз ойнагини пешонасига суриб жиддий ва меҳрибон қиёфа блан Умарга тьякилди.—Хўш, қизчанинг қандай ишлаётганига қизиқиб қолдингиз, сизнинг қаллиғингизми?..

— Йўқ, Отахон!—кулиб секингина жавоб берди Умар,—унинг ўз куёви бор. Фронгда. Арзийдиган йигит. Булар бир-бирини қўлламоқда; у фронгда буни, бу заводда уни, хуллос, ҳаммамиз ҳам бир тан, бир жон бўлиб, Ватанга қўллаб-қўлтяқламоқдамиз. Отахон, сиз нима дейсиз?

— Бу қиз тўғрисидами?—сўради Иван Павлович,—жуда яхши. Бу қиз эмас, олтин-олтин. Бу қизнинг куёви борми?.. Фронгдами? Солдатми, ёки...

— Старший сержант. Взвод командирининг ёрдамчиси. Ҳар-қолда солдат, солдат!—деди гапни бўлиб Умар.

— У фронгда Ватаннинг озодлиги учун фидокорона жанг қилаётган бўлса, бу ҳам шу мақсадда тер тўкиб меҳнат қилмоқда. Мана, бахтиёр насллар. Мен ўзим шундай ўйлайман: кимки Ватан учун жонини фидо қилса—ана шундай одамлар дун'ёда бахтиёр одамлар деб саналади. Қолганларчи?.. Анчайин одам... Тўғрими, ўғлим?

— Тўғри, Отахон! Жуда тўғри!

Булар Тўфaxonдан анча узоқроқда туриб гапиришар эдилар. Чол Тўфaxonга қараб-қараб кўяр ва қўли блан Умарга уни кўрсатиб, сўзини ма'қуллар эди.

— Бу шундай чайир қиз эканки, саккиз соат менинг блан ишлайди, сўнгра яна тўрт соат электрокарида юк ташийди. Унинг чарчамай меҳнат қилишидан кўриниб туриптики, у шуҳрат учун эмас, ўзининг, халқнинг—Ватаннинг бахт-соадати учун ишлайди, Ватанга бирор манфаат келтирадиган ҳарбир ишда куч ва қобилиятини аямайдиган қиз.

радгорлик асбобларини ортган кичкина вагонни итариб ташка-
ршга чиқармоқда эди. Чарм пальто кийган Беризин шапкасини
кўзи устига туширган. Ҳар иккаласининг ҳам ҳаракатидан тутун
ва олов ичида жуда ҳолдан кетганлари кўриниб турар эди. Шу
вақтда Пахомовнинг кўйлаги елкасидан ёнаётганига кўзи тушиб
кетган Тўфaxon челақаб сув олиб беришаётган одамларнинг
қўлидан бир челақ сувни юлиб олди-да, цех ичкарасига ўзини
урди. Пахомовнинг кўйлагини сув сепиб ўчиргач, ўз фуфайка-
сини ешиб, унинг елкасига ташлади ва ўзи ҳам буларга қўшилиб
вагонларни итарaboшлади. Беризиннинг бу ҳодисадан ҳеч хабари
йўқ эди. Чунки у, шапкасини бостириб иккинчи томондан ва-
гонларни олдинга итармоқда эди. Эшик олдида турган одамлар
ҳам ўзини бирдан ичкарига урди. Ҳолдан тойган ва қизариб кет-
ган Пахомов ва Беризин Тўфaxonга бир-бир қараб олишди. Ора-
дан сал ўтмай, Тўфaxon ҳам тутун ичида ўзини бошқача сеза-
бошлади. Цех ичи одам шовқини блан тўлиб кетди. Шу вақтда
ҳечким сезмай қолди буларнинг учаласини — Беризин, Пахомов
ва Тўфaxonни — кимдир бирдан итариб ўтиб кетди, Тўфaxonнинг
ўзи ҳам буни ерга йиқилиб тушгандагина сезди.

— Хафа бўлманг, хафа бўлманг, у атайлабдан қилмади, —
деди Беризин ва Тўфaxonни қўлидан тортиб турғизди. Тўфaxon
ўрнидан туриши блан ҳалиги одам ўтган томонга қаради, Шод-
мон полвоннинг кенг елкасига кўзи тушди. У битта ўзи бир
вагонни итариб борар эди.

Беризин кимгадир докторни чақиритишни буюрди, доктордан
дарак бўлмагач, ўзи югуриб чиқиб кетди. Беризин кетиши блан
Тўфaxon унинг ўрнига ўтиб олди. У бирдан Пахомовга қаради.
Пахомов безгак тутгандай қалтирамоқда эди.

— Нима, жуда совуқ едингизми?

— Йўқ. Билмайман, негадир қалтираб кетаяпман, — деди лаб-
лари титраб Пахомов, — сиз ўзингиз нега кўйлақчан юрибсиз?

— Майли, майли, мендан хотиржам бўлинг.

Тўфaxon Пахомовга яқинроқ бориб унинг елкасидаги ўзининг
фуфайкасини тўғрилаб қўйди. Шу вақтда Беризин блан доктор
етиб келди. Пахомовнинг якки қўлтигидан иккаласи олиб таш-
қарига чиқишди. Тўфaxon, Беризиннинг „қўйинг, энди сиз кир-
масангиз ҳам бўлади“ дейишига қарамасдан югурганича цехга
кириб кетди. Цехнинг ичи тўла тутун, атрофни кўриш мумкин
эмас эди. Тутун ичидан ҳартомондан одамларнинг қичқиргани
эшитилар эди.

Ёнгининг ўчирдилар. Цех ичидан кўмир ва зах иси келар эди.
Тўфaxon, тизилишиб челақ блан сувни қўлма-қўл олиб бераёт-
ган одамларнинг қаторига кириб олиб, у ҳам тез-тез ҳаракат
блан олдин-кетин келаётган челақларни узата бошлади. Шунда-
гина у бироз узига келди. Тинмай қуяётган ёмғирга кўйлақлари
увиб, баданига ёпишиб кетган эди. Ундан сал наридан югуриб
ўтиб бораётган Умар Тўфaxonга бир қараб қўйди-да, ҳечнарс
демай, яна йўлида давом этди. Унинг қўлида катта лом бор эди.

Орадан сал ўтмай, унинг қаршисида увиган Серафима Ильинична пайдо бўлди.

— Ҳой, қиз, бу нима қилганинг? — деди баланд говуш блан у, — касал бўлмоқчимисан! Фуфайканг қани? Шундай совуқ, ёмғирда ешниб юрасанми? Юр, бўлди, ўчириб бўлишди, уйга кетамиз.

У ўзининг фуфайкасини ешиб, титраб турган Тўфахоннинг елкасига ёпти.

Ёнғин аллақачон босилган эди. Серафима Ильинична Тўфахоннинг — бироз турайлик, дейишига қарамасдан уни ўзи блан бирга олиб қайтди. Уйга келгач, электрда чой қайнатиб унга иссиқ-иссиқ ичирди ва устига қалин қилиб кўрпа ва калта пустилни ёпти:

— Бироз ухлаб ол. Исиб кетасан, — деди Серафима Ильинична ва ўзининг ҳам қалтираб кетаётганини сездди.

(Давоми бор)

Чол Тўфaxonга бир қараб қўйди-да, яна давом этди:

— Аммо, уч-тўрт ой ичида уста бўлиб чиқиш, албатта қийин. Етарли билим ва тажриба орттирмасдан туриб, бунга эришиш сира мумкин эмас. Бу ерда чертёжларни ўқий билиш керак. Уни ўқиш блан уларнинг ҳисобини ҳам дарров чиқарабилиш керак. Бу қиз шуларни ҳам ўрганаяпти. Ҳаммасини ўрганаяпти. Уни кўринг қандай ишлаяпти. Машинани ишлатишда ҳарқанақа йигитдан қол-
лишмайди. Нима учун? Чунки бутун ҳавас блан ишга берилган. Қисқасини мен сизга айтсам, бу қиз онгли, тушунган қизча. Умуман яхши қиз... Тўхта, тўхта!—Бир нарсадан чўчигандай бирдан қўшиб қўйди, Тўфaxonнинг зимдан қулоқ солганини сезиб чол,—хайр, энди бизни кечирасан, ўғлим, биз ҳозир бу қиз блан унинг ясаган детални андозага солиштириб текшириб кўришимиз керак, вақт йўқ, хафа бўлмайсан, хайр.

— Йўқ, йўқ, сизлардан мен кечириб сўрашим керак, ишдан қўйдим.

— Тўғриси айтганда бироз ишдан ҳам қўйдинг,—деди шошиб чол ва кўз ойнагини тўғрилаб Умар блан хайрлашар экан сўради,—Райкомда ишлар қандай? Хизматчилар етарликми? Беризини мени билади. Мен ҳам эски большевикман. Биз, бундай кекса ишчилардан бутун шаҳарда фақат тўрт кишимиз. Сен мендан унга салом айт. Ҳар кўрганингда менинг саломимни эсингдан чиқазма!

— Хўб, хўб, Отахон,—деди хайрлашиб Умар ва ундан узоқлашди.

Умар ташқарига чиқди. У бир нафас ўзининг ички ҳис, ҳаёлларига берилди. Юрагидан қайнаб тошган завққа берилиб мийғидан кулиб борар эди. Шу вақтда унинг хаёли Оляда эди. Яқинда, ўтган дам олиш кечаси завод клубида ҳаваскорлар тўғраги томонидан меҳнат армиясига қўйиб берилган концертда ўзининг кўнгироқдай овози блан ашула айтиб, ҳаммани хурсанд қилган бу қизни у севиб қолган эди. У қаерда бўлмасин, нима иш қилмасин, кўзи ўнгида Оля жонланиб турар эди. Уни шу шаҳарга олиб келган ўз тақдиридан жуда мамнун эди.

— Умаржон! Умаржон ака!

Умар бирдан атрофга алаңлади. Паришон ҳолда овоз чиққан томонга қаради. Детальларни йиғнайдиган цехнинг бошлиғи унга томон кулиб келар эди.

— Жуда хаёлга чўмиб кетибсиз, шунча чақираман, қарамай-сиз?—деди у.

— Хўш, хизмат?

— Бизнинг цехга ҳам бир киринг. Ҳамшаҳарларингизнинг қандай ишлаётганларини бир кўриб чиқинг.

— Нима, ёмон ишлашмаяптими?

— Ўз кўзингиз блан бир кўриб чиқинг, кейин биласиз.

Умар бошлиқнинг таклифини сўзсиз қабул қилди. Улар ўнг томонга бурилиб цехга кирдилар. Темирларнинг жаранглаши, баландга юк кўтарадиган машиналарнинг гижирлаши, кичик вагончаларнинг гувиллаши ва одамларнинг қаттиқ-қаттиқ гап-

ришишларидан Умарнинг қулоғи шундай бяткан эдики, цех бошлиғининг нима гапиряётганини ҳам сра эшитмас эди.

— Каттикроқ гапиринг, ҳечнарсга эшитмаяпман,— деди қичқариб Умар ва бир қўли блан қулоғини кўрсатди.

— Ҳа, ҳа, шундайми?— Бошлиқ бошини чайқаб кулиб қўйди. биз ўрганиб қолганмиз,— деди жавоб бериб у,— мана бу электрокарида ишлаётган қизни кўринг дейман. Бошлиқ қўлини кўтариб, токарлик цехидан оғир детальларни ортиб келаётган электрокари томонга қаради.

Темирлар ичида кўк комбинзон кийган ва бошига қизил дурра ўраб олган, бир қўли блан речагини босиб келаётган бир ўзбек қизини кўрди. Бу қизни Ўзбекистондан эшелон келган куни Беризян блан станцияга чиққанларида вагонлар ёнидакўрганини эслади.

— Нурматовадан ўн беш минут орқада, халос. Аммо бу ҳам жуда яхши ишлайди. Аммо Нурматова деган қизга ҳамма ҳайрон қолади, у кундуз куни токарликда, кечаси эса бизда ишлайди. Биласизми?

— Биламан, биламан,— деди Умар.

— Пушт! Пушт!— кимдир орқадан қичқариб келар эди.

Умар орқасига қаради. Катта-катта тишлик ғилдираклар ортилган кичкина вагонни бир ўзбек йигити терлаб-пишиб итариб келар эди. Умар вагон йўлидан сакраб нарига ўтиши блан вагон гулдираб тез ўтиб кетди. Унинг орқасидан иккинчиси, учинчиси қаторлашиб ўтабошлади. Буларнинг қаршисидан бундан ҳам торроқ издан думолоқ, қўпол темирларни ортган кичкина вагончалар токарлик цехига томон ўтиб борар эди.

— Хўш, анди нима дейсиз, одамлар ёмон ишламаяитимикан?— деди бошлиқ Умарга.

— Менингча бундан ҳам яхши ишлаб бўлмас.

— Мен ҳам шундай ўйлаган эдим.

— Ҳамшаҳарларингиз блан ўзингиз бир суҳбатлашинг.

— Ҳозир вақти эмас. Уларни ишдан қолдириб нима қиласиз. Кечқурув ишдан кейин баракда бир вақт топиб суҳбатлашармиз.

— Биласизми, мен сизга нима демоқчи эдим,— деди цех бошлиғи Умарни бир чеккароққа, шовқин камроқ жойга олиб чиққач,— булар тўғрисида сиз область газетасига бир мақола ёзсангиз, деган эдим. Газетанинг ўз мухбирлари ҳам бор, лекин сиз она тилингизда булар блан гапиришиб ёзсангиз, яна яхшироқ булар эди.

— Бу тўғрида албатта ёзаман,— деди Умар ва дала сумқасини очиб, блокнотини олди-да, алланарсалар ёзди,— албатта ёзаман.

— Мен цехдаги энг яхши стахановчиларни Биринчи Май байрами муносабати блан мукофотлаш керак деган ниятдаман. Эртага завод дирекциясига шуларнинг рўйхатини бераман, сиз, ахир, райком вакилисиз, бу масалада мевга бир ёрдам берасиз. Мана, ўзингиз буларнинг ишлаётганини кўриб турибсиз, ҳарнима блан тақдирласа, арзийдиган одамлар.

— Хуб, хуб. Гапингиз тўғри. Буни бажариш бизнинг вазифамиз — деди кулиб Умар. Ҳамшаҳарлари ҳақида эшитган бу яхши гаплардан жуда хурсанд бўлиб кетган эди.

Булар цехнинг бошқа бўлимларини ҳам бир-бир кўриб чиққач, одамларнинг диққатини ишдан чалғитмаслик учун Умар цех бошлиғи блан хайлашиб эшикка чиқди. У шу кунни заводнинг бошқа бўлимларини ҳам айланиб чиқди. Шодмон полвон ва Халиловлар ишлаётган Мустафо Ризаев бошлиқ бригаданинг ҳам ишлари блан танишди. Кечқурун уларнинг баракларига бориб узоқ суҳбатлашди. Ўзбекистондан келган меҳнат армияси сафида ишлаётган ҳарбир кишида, Ватаннинг мудофааси учун, ёвуз душманни тездан тор-мор келтириш учун фидокорона меҳнатга қизгин иштиёқини кўриб жуда хурсанд бўлди.

III

Баҳор фаслининг шамол ва ёмғирли кечаларидан бири эди. Тўфахон жуда қаттиқ урилган қўнғғироқ овозидан чўчиб уйғонди. Юраги жуда тез уриб кетди. Кўрқди... Ёнида ётган уй эгасини шошиб уйғотабошлади:

— Серафима Ильинична! Серафима Ильинична!

Ширин уйқида туш кўриб ётган хотин ирғиб ўрнидан турди. Қулоғига жуда ҳаяжонли урилган қўнғғироқ овози эшитилди. Кузини очиб бир пас қулоқ солди, шу вақт бирдан завод жуда даҳшатли равишда қисқа-қисқа гудок берабошлади.

— Бу нима, Серафима Ильинична? — қўрқиб кетган Тўфахон секин сўради.

Серафима Ильинична унинг саволига жавоб бермай, орқасини ўгириб, ташқарига қулоқ солиб турди. Бирдан уйнинг оппоқ деворига деразадан аланга акси урди.

— Тўфа!.. — деди ҳаяжонланиб, оёқ яланг югуриб бориб деразадан ташқарига қаради, — Тўфахон, жонгинам, ёнгин!..

Тўфахон ҳам алақачон туриб Серафима Ильиничнанинг ёнига келиб деразадан қараб турар эди. Иккаласи ҳам сўзсиз бир пас ташқарига қараганча қотиб туришди. Ёмғир блан ялтираб турган туника томларда алангга акси уриб ярқираб кўриниб турар, тўхтовсиз урилаётган қўнғғироқ ва заводнинг гудоги „тезроқ ёрдам беринг!“ дегандай эшитилар эди.

— Тўфа, жоним, билиясанми бу бизнинг завод! Бизники! — деди титраган овоз блан Серафима Ильинична ва бирдан каравот ёнларини тимсиклаб кийимларини излай кетди. — Нима бўлди экан?.. Ноҳот куйиб кетса?.. — деди юпкасини кийиб ва вешалкадан фуфайкасини олатуриб.

Тўфахон ҳам қўрққан, қалтираган ҳолда кийиниб тайёр бўлиб турар эди. Эшикка томон юришар экан олдинда кетаётган Серафима Ильинична бирдан тўхтади, қайрилиб орқасига қаради, иккаласи ҳам уйни шошилиб кўздан кечиришди. Уй анча ёруғланиб, бутун жиҳоз кўзга яққол кўриниб турар эди: столдаги снѐҳдон, камод устидаги қизил қутича қозиқдаги чочиқ ва деворнинг у ер-бу ерига қоқилган қораёиб турган михлар-

гача аниқ кўриш мумкин эди. Серафима Ильинична ташқарига чиқди, унинг орқасидан чиққан Тўфaxon эшикни қулфлади.

Булар ёмғирга ҳам қарамасдан икки кварталча келадиган йўлни, югуриб, босганларида, қаршисидан одамларнинг шовқин-сурони эшитилабошлади.

Булар яна озроқ югургач, завод дарвозаси олдидаги майдонга келиб чиқишди. Завод атрофи тўла одам эди. Уёқдан-буёққа югуришар, итаришар, қичқиршар эди.

Одамларнинг қичқирғи, хусусан, завод дарвозаси олдида яна кўпроқ ва баландроқ эди. Тўфaxon цехлардан бирининг ойнагидан ловиллаб чиққан алангани кўриб ваҳмадан юраги орқасига тортиб, нима қилишини билмай қолди. Серафима Ильиничнадан бир нарса сўрамоқчи бўлиб, ёнига қайрилиб қараган эди, уни кўрмади. Бу ҳам кўп ичига ўзини уриб ёнаётган бино яқинига борди. Аланга ёруғида кўзи қамашиб, бир-икки қоқилиб ҳам олди.

— Қайси цех ёнапти? — сўради югуриб боратуриб Тўфaxon, лекин ҳечким жавоб бермади. Қайта сўрагандагина, унинг қаршисидан чоғиб келаётган бир йигит йиғламсираб қичқирди:

— Бизнинг цех! Дурадгорлик цехи!

Ёнаётган бинони ўраб олган одамлар тўлига келиб қўшилганда Тўфaxon кўз ўнгида яна даҳшатли манзаралар очилди: одамларнинг ба'зилари узун резинкаларни тортишар, ба'зилари қатор туришиб сув тўла челақларни қўлма-қўл узатишар эди. Ут ўчиручилар, сариғ қалпоқларини ялтиратиб, резинка блан аланга чиқиб турган ойнакларга сув сепишар, ба'зилари томларда югуришиб, цех ичига қичқиршар эди. Цех эшиги олдида ҳамма жойдагига қараганда кўпроқ одам тўпланиб турар эди. Булар жуда оташни, ғазабланган ҳолда қичқиршар, лекин ёнаётган цех ичига кирмай, ниманидир кутиб туришар эди.

— Пахомов! Пахомов! Ҳой доддираган, сувни қаёққа сепаяпсан? Ана, уёққа сепиш керак. Қани, у челақни менга бер!

— Эх, сиз дурадгорлар!.. Бу нима қилганларнинг — деди кимдир зарда блан.

— Ўртоқ Беризин! Ўртоқ Беризин! Уёққа кириб бўлмайди. Ёнасиз!..

— Орқароқда турсаларингчи, нима бунда ғудайишиб туриб-сизлар?

— Буларга алоқаси йўқ. Бировники ёнапти.

— Қандай бировники бўлсин?!

— Бўлмаса нега белингни ушлаб ангақайиб турибсан?

— Ана, уларни кўрмайсанларми?!

— Пушт! Пушт!

— Ана, халос!..

Ҳамма бирдан жим бўлиб бинога қараб қолди. Фақат ёғочларнинг қирсиллаб қатнагани ва ойнаклардан баланд кутарилган алағаннинг штирлагани эшитилар эди. Цех эшигига югуриб борган Тўфaxon бирдан тўхтади ва ҳайронлик блан ичкарига тикилганча қараб қолди. Цех ичкарисидан буриқсиб чиққан қонқора тутун ичидан Беризин блан жузуни мўйловлик Пахомов ду-

Ж. ШАРИФИЙ

МАКСИМ ГОРЬКИЙ

Поэма*

Ўн тўртинчи йил...

Минг тўққиз юз ўн тўртинчи йил —
Август ойи жазирама кун,
Ўқлар ёғди бўлиб кучли сел,
Немис босиб кирди, қора тун.

Вельгельмнинг Германияси
Истар эди руслар бўлсин қул,
Ҳоким бўлсин немис сармоясин
Тилаклари: бозор, олтин-пул.

Уруш кетди ва оқди қонлар,
Қонлар дар'ё-дар'ёдай оқди.
Окопларда чиқарди жонлар,
Қуёш ма'юс, ҳасратла боқди.

Ўлик... ўлик... чаноқ... суяклар,
Ҳар қадамда улим ва улим.
Эзилганди қанча юраклар.
Ошиб кетди ваҳшилик, зулм.

Олов тили етарди кўкка,
Қоплар эди тутун булутин,
Ўтга ташлаб гўдакни тикка —
Жаллод кулар, хафа рус юрти.

Мард рус халқи шум босқинчига —
Керар эди метин кўкрагин.
Кирар эди олов ичига
Қалқон қилиб танин—юрагин.

* Боши журналдаимизнинг 11-нчи сонияда.

Қуя бўлишни асло истамас,
Табиаги, ҳурликни севар.
Даҳшатдан ва оловдан қайтмас
Руслар ботир, чин ватанпарвар.

Ла'нати оқ подшоҳ Николай
Суриб кайфу-сафо ҳар куни —
Топди қаллоб бойлиқ бирталай.
Парво қилмас ҳалқнинг дод-уни.

Ётар илон шоҳнинг қўйнида —
Хотин эмас, у иблис — жосус.
Шоҳ қўллари маккор бўйнида
Фоҳишага асиру-маҳбус.

Хоин чиқди ҳарбий министр,
Чор атрофин ўраган олчоқ,
Улар қуртдир, сасиган исдир,
Халққа қилар хиёнат ҳарчоқ.

Буюк Ленин қилди зўр нидо:
— „Битсин уруш, гўрга кирсин чор!..
Николайни тахтидан жудо —
Қилмоқ керак! Бу қат'ий қарор!“

Эски дўсти Максим Горькийни
У чорлади ўз Ватанига.
Руснинг севган фахри, кўркини
Кутар эди... Келди ёнига.

Максим Горький қалам найзасин —
Маҳкам ушлаб қиларди жанглар.
„Уруш битсин!“ деб овозасин —
Ёйди элга, сози жаранглар.

Тонг арефаси

Қиш. Гупиллаб ёғаётир қор.
Арча, эман худди оқ ҳайкал —
Кабн турар тизилиб қатор,
Қор қатлами энар галма-гал.

Машиналар, поезд, трамвай,
Гуё муздай қотган таққа-тақ.
Ҳашаматли у қишқи сарой,
Гўзал Нева... Хуллас ҳаммаёқ —

Сукут қилар, аммо зўр чақмоқ —
Гулдиросни сезар оқ пошшо,

Яширинган куч портлаяжак,
Барибир шоҳ бўлса-да огоҳ.

Портлади куч, чақди чақмоқлар,
Парчаланди Николай тахти,
Қайнаб тошди янги булоқлар,
Кулар шояд ишчининг бахти?!
Аммо келди Керенский эс-эр,
Тахтга минди, ишчи азоб ер.

Большевиклар баланд кўтариб
Ҳурлик туғин, Ленин байрогин,
Сўнги жангга борар шайланиб,
Поклаймиз деб, Ватан тупрогин.
Бирпаст тинмас кеча-кундузи,
Ҳаракат зўр, йиғар куч-қувват.
Болқиб чиқар ҳурлик юлдузи,
Рус халқида бор шиддат-қудрат.
Доҳий дўсти Сталин устоз,
Туплар эди мард гвардия,
План чизар, ўйларди шаввоз,
Бирга эди халқ ва армия.

Горький эса ёзиб мадҳия
Рус халқига деди офарин,
— Халқим, олға, қалқин Русия!
Адиб сози куйлар оташин.

Халқ тўлқини ошиб боради,
„Ишчига нон, деҳқонларга ер!“
„Битсин уруш!“ шиор янгради,
„Ҳокимият советларга!“ дер.

Русияда мангу тонг отди...

Халқ тўлқиндир, халқ — улуғ қувват
Халқ зулматни янчар-парчалар,
Ёвузларга офату даҳшат,
Халқдан қўрқар ёв — итваччалар.
Халқ яратар муҳташам боғлар,
Халқ қурадир улуғ бир жаннат.
Халқ душманнинг йўлларин боғлар.
Халқ истаса қолмас дард-иллат.
Халқ туғдирди қудратли офтоб, —
Бу офтобнинг унвони Ленин,
Бун'ёд қилди буюк инқилоб,
Инқилобга сардор Сталин.

Тонг отди. Тонг! Бятди зулумот
Русияда отди гўзал тонг!
Алвон ранг-ла товланди ҳаёт,
Қуёш чиқди, кураш чолди бонг.

Русияда мангу тонг отди.
Нурдан кўйлак кийди ўлкамиз.
Қуёш мангу! Қоронғу ботди —
Кўтарди қад букук елкамиз.

Қора исга беланган ишчи
Бўлди нарком — халқ комиссари,
Сув-ер олди батрак ва қўшчи,
Эл-юрт юрди ғалаба сари.

Ҳаммасига сабабчи Ленин,
Унга сафдош улуғ Сталин.
Ёруғ маяк кўрсатарди йўл,
Ўргатарди: халқим, ҳуш'ёр бўл.
Максим Горький улуғ қуёшни
Қарши олди очиб қулочин.
Олқишлади меҳрибон бошни —
Та'рифлади: „Ленин зўр лочин“.

Лекин нега улуғ ёзучи —
Қилди хато, билолмай қолдим.
Золимларга гўрлар қазучи,
Адашди-ку, тушунмай қолдим.

Адиб ба'зан кетар сукутга —
Ўйлар: „балким ортиқ ҳаракат, —
Қилмоқдамиз; бу эса юртга
Бўлар зиён, келмас баракат.

Зиёлилар асосий кучдир,
Мужик учун ортиқ илтифот
Нега керак, у мулкка ўчдир.
Мужик истар осойиш ҳаёт“.

Кремль томон йўл олди устоз
Кириб борди Ленин ёнига.
Иссиққина кўришиб боз-боз —
Олқиш деяр қадрдонига.

Максим Горький айтса илтимос
Шу ондаёқ қилинур бажо.
Доҳий Ленин „Хўб“ деб айтса бас

Ерда қолмас айтган илтижо.
— „Дустим Горький, меним ҳам сенга —
Айтар сўзим, илтимосим бор.
Оғир пайтда ёрдам бер менга
Қилган ишинг ишчиларга ор“.

Ғамхўр бўлиб, ардоқлаб, севиб,
Чиқармасди ўз қанотидан.
Бемор бўлса у пишиб-куйиб
Хабар олар бор ҳаётдан,

Горкий ишлар кеча ва кундуз,
Олимларга ғамхўр чин падар.
Новча гавда, жуда ориқ юз —
Тинмас эди азонга қадар.

Эски дарди яна қўзғалди,
Лахта қонлар келди оғзидан,
Яширарди, доҳидан буни
Ажал бўлса ҳамки бўғзидан,
Тинмай чекиб, ёзади устоз;
„Қилган ишим ҳали жуда оз“.

Левин буни олди тез пайқаб,
— „Ахир дустим ҳаётинг қиймат,
Каприга бор, тузал, шифо тоб“.
Оғир кунда у қилди ҳиммат.
Қучоқлашиб узатиб қолди.
— „Хайр дўст“ деб кузатиб қолди.

Фикру-хаёл Ватанда

Қурилишлар қизар Ватанда,
Баланд-баланд бинолар беҳад.
Иссиқ қонлар жўш уриб танда
Бешйлликдан халқимиз хурсанд.

Горький яшар узоқ, чет элда.
Лекин уйи-фикри Ватанда.
Хатлар олар, ўсар дилида
Ватан... Ватан чўғ севгинг танда.

Соғинади, иштилади у,
Олар оғир хўрсиниб нафас,
Жуда хафа, қалбида қайғу
Дер: „Сорранти гўёки қафас“.

Ватан чорлар: „келгин, адибим,
Улуғ инсон, севган ўғлим, кел.
Кел, қадрдон, кел андалибим,
Қушдай учгин, соғинди-ку — эл“.

Горький ёзар. Узоқ кечалар —
Гўзал қўшиқ бағишлар элга.
Қўшиқларни олиб қўшчалар —
Элтар она меҳрибон ерга.

— „Ватан... Ватан... нақадар гўзал,
Тупроқларинг кўзга тўтиё,
Сувинг ғурбат болидан афзал.
Ўғил-қизинг булбули гуё.

Ватан... ватан... меҳрибон онам,
Ҳаволаринг шифобахш дилбанд —
Хаёлингга ёруғдир хонам,
Қоним, жоним, фикрим сенла банд.

Ватан... Ватан... Нурлар макони
Боғи ёрам, жаннатдан кўркам.
Мен ахтариб бутуи дунёни —
Гўзалроқни топмадим, эркам.

Киндик қоним тўкилган диёр,
Менга бахтлар ато қилган ёр.
Истиқболинг порлоқ бахтиёр.
Баҳодирсан, чаманзор, гулзор.

Ватан... Ватан... қучоғингни оч,
Иссиққина бағрингга кирай.
Горький чолинг керади қулоч
Сенинг учун жонимни берай”.

1928 йил

Вокзалла

Ёруғ вокзал, нурлар денгизи,
Чироғ, чироғ, сонсиз чироғлар.
Гуё кўчиб келган ер юзи,
Одам тўла... қизил байроқлар.

Чехралар шод, қаҳ-қаҳа янграр,
Булганмикан шундай тантана?
Халқ тўлқини кучли мавж урар,
Кўз олдингда гуё пўртана.

Оркестринг қувноқ садоси,
Кўкни тутган, жаранглар осмон,
„Салом! Яша! Горький!“ нидоси
Кўкка кетган, куйлайди инсон.

Шляпали, новча, орикроқ —
Хасса ушлаб тушди вагондан.
— Ана, Горький! Кўрай яқинроқ!
Дея кўплар югурди бирдан.

У вагондан тушди-ю, шу он —
Кўтарилди қўлдан-қўлларга,
Ёғилмоқда ташаккур ҳамон
Гул-поёндоз бўлди йўлларга.

Горький чиқди мянбар устига,
Севинчидан кўзида ёшлар.
Раҳмат айтар азиз дўстига —
Сталинга дилдан олқишлар.

— Мана энди ўз юртимдаман.
Мана энди белимга қувват,
Кўзимга нур, дилимда чаман.
Чолга берди халқим зўр қудрат.

Ўн саккизга кирган йигитдай.
Ватан учун қиламан жавлон,
Ижодим ниш урган чигитдай.
Ўсар, билсин жумлаий жаҳон*.

Халқ кузатиб кирди Кремльга,
Юртда бўлди ўша кун байрам.
„Горький келди!“ тиллардан-тилга
Элга кетди, топди эҳтиром.

Қайси адиб, қайбир замонда
Топган экан шундай зўр ҳурмат?
Қаламкашлар ўтиб армонда,
Кўрган фақат жафо ва кулфат.

КРЕМЛЬ — СТАЛИН

Кремль... Кремль... Қизил деворлар
Улуғ қал'а. Қадим Кремль.
Кўкка етган баланд қуббалар,
Юлдузлари чароғлатар дил.

Кремль азиз Ватаннинг қалби,
Кремль улуғ ёруғ маякдир.
Олий тилак, нурлар булоғи.
Кремль бизга зафар, байроқдир.
Сталиннинг қароргоҳи у, —
Доҳий ўйлар, халқ бахтин кўзлар.
Ба'зан сра келмайди уйқу.
Хат устида сузади кўзлар.

Қанча эллар кутади нажот,
Кремльга, доҳига боқар.
Истайдилар ҳур, ёрқин ҳаёт,
Орзуларнинг тўлқини оқар.

Халқ кузатиб қўйди Кремльга
Қари адиб Максим Горькийни.
У беҳад шод, олқиш дер элга.
Халқим севар Ватан кўркини.

Қучоқ очиб қарши олди у,
Жонажонлар упишиб кетди.
Қизди суҳбат, тонг ҳам отди-ку,
Зўр гурингнинг тугамас кети.

Максим Горький ширин суҳбатдан
Жуда мамнун, ростлади қаддин.
Доҳий тақдим этди ҳурматдан —
Қизи блан тушган суратин.

Илҳом сарчашмаси

Горький хурсанд, тошади юрак
Кабинетнинг эшигин очди.
Ширин нафас олади кўкрак,
Кўздан уйқи бутунлай қочди.

Ёруғ хона... Китоблар бесон,
Образларнинг галлерейси,
Қийматбаҳо бир музейсимон
Жимжит хона. Иуқ ўзга саси.

Шляпа ва пальтосин ечди,
Секингина қўйди ҳассасин.
Хурсандликдан бир рюмка ичди
Ёзакетди янги қиссасин.

— „Агар душман таслим бўлмаса
Уни тезда маҳв этажаклар“.
Ким биз блан нафас олмаса,
Тўбавликда қолдиражаклар.

Қалам юрар қоғоз устида,
Илҳомлар ҳам булоқдай қайнар.
Ёвуз душман Горький қасдида.
Оч бўридай тишини қайрар.

Горький ҳамон ёзар олтин сўз,—
Бир сўзларки Ватанни безар.
Шахло, мовий, хуллас ҳарбир кўз
Уни ўқир, нур каби сезар.

Тоғдай ишлар турар елкада,
Чол Горькийнинг қаддин букалмас,
Нима содир булса ўлкада
Қаламидан қочиб қутилмас.

Қанча журнал: „Бизнинг ютуқлар“,
„Гражданлар уруш тарихи“...
Беҳисоб иш, ёзар қўшиқлар,—
Тоғдай улуғ Горький та'рифи.

Ҳарбир шоир, ҳарбир адиб ҳам
Ундан олар, сабоқ ва та'лим,
Улуғ устоз чарчамас, бардам.
Адибларга саркор, муаллим.

Оқин Жамбул дўмбира чалиб,
Бўрон қушин та'рифлар элга.
Чол Сулаймон¹ куйларга солиб
Дерди: „Горький куч қўшар белга“.

Фозил ота дўмбирасида —
Эшитилар Горькийнинг сози.
Янграр эди тоғ дарасида
Бўронқушнинг авжда овози.

Минг йигитнинг ишини қилар,
Ҳеч туганмас ғайрат — қувват бор.
Найзасила ёв дилин тилар,
Фашизмга қарши ўч порлар.

Горький — битмас чашмаи — илҳом,
Горький — ширин ҳаётнинг ўзи,
Горький — мангу улуғ азиз ном,
Ҳурмат қилар инсон, ер юзя.

Горки²да бир айвон

Икки қават уй айвонидан
Атрофга боқ, оппоқ булутлар —
Кўкда сузар кўтариб елкан,
Пастда дар'ё, ўрмон, гул, ўтлар.

У айвонда улуғлар меҳмон,
Қанча шоир ўқиган ше'р,
Ромен Роллан турган кўп замон
Горькиймизга қўйган ишқу, меҳр.

¹ Машҳур Доғистон шоири Сулаймон Стальский.

² Горки — қишлоқ, ундаги катта боғда Максим Горький умрининг сўнгги йилларини ўтказган.

Ворошилов, Молотов келар,
Ҳазил, кулги, яшнар катта боғ.
Набиралар қаҳ-қаҳлаб кулар,
Горький хурсанд, дер: „ажойиб чоғ“.

Келди дўсти, келди Сталин,
Қучоқлашиб куришгач улар,
Айвон узра чўқдилар секин.
Ўлтирдилар. Столда гуллар.

Горький гилам — Бухор дўпписин,
Бошдан олиб қўйди ва дарҳол —
Чой узатди, сўнгра қиссасин —
Ўқиб кетди, шошмай, бемалол.

„Қиз ва Ўлим“ эртак устига,
Доҳий ёзди: „Фаустдан кучли“.
Раҳмат деди азиз дўстига,
Горький сатри ўлимга ўчли.

Икки ўртоқ саҳарга қадар —
Иштиёқ-ла қилишди суҳбат,
Горький янги куйга қарздор,
Талай ўйлар ҳамиша улфат.

Алвидо' ўғлим!

Ёвуз душман Бухарин илон —
Заҳарини отар Ватанга,
Қон ичучи фашистлар блан
Иноқ бўлди, худоси танга.

Гўзал юртни сотмоқчи қаллоб:
„Гитлер бўлсин хўжайин“ дейди.
Унга раҳбар Троцкий жаллоб:
„Тўғри йўл шу, бу тайин“ деди.

У чоғ писиб муйиш томондан
Мироничга¹ ўқ узди душман,
Томирларда қон кўпирди, қон,
Оловланди ўч ўти ҳамон.

Яна душман кийди пардасин
Ичдан туриб сочди заҳарин.
Ўйлаб-ўйлаб минг андишасин
Оғулади йигит — гавҳарин.

¹ Сергей Миронович Кировни халқ ўртасида „Миронич“ деб чақираб эдиклар.

Дуст бўлишиб заҳар бердилар.
Горький ўғли ўлгач, „ййглашиб“
Ўзин уриб сочни юлдилар.
Бўлиб бирён, юрак „тиғлашиб“.

Чол Горькийнинг букилди қадди,
Нурсиз кўздан оқди қатра ёш,
Хушдан кетди, тош каби қотди.
Худди сўнди кўкдаги қуёш.

Сув сепишди келди ўзига,
Секин борди ўғли ёнига.
Томди ёши унинг кўзига.
Титраб ўпди, босди бағрига.

Алвидо' эй белим қуввати —
Алвидо' эй севган фарзандим.
Алвидо' эй ше'рим қаноти.
Алвидо' эй сен жигарбандим!

Алвидо' эй азиз юрагим,
Отанг алам ичинда қолди,
Сиқилмоқда қари кўкрагим,
Оғир мотам дилга тиг солди.
Алвидо'!

Бахт китобини варақларкан

Улуғ устоз, саркори-қалам,
Варақларкан бахтлар китобян,
Йўқолганди ундаги алам,
Ёза кетди дилнинг хитобин:

Ўлкамизда тош ҳам сайрайди,
Сувлар куйлар, жилмаяр боғлар,
Халқларимиз кулиб-яйрайди,
Лаззатли дам, шодумон чоғлар.

Ўлкамизда тош ҳам сайрайди,
Бунга сабаб доҳий Сталин,
Асос қонун бахтни куйлайди.
Унинг ўзи букунги Ленин.

Ўлкамизда тош ҳам сайрайди,
Фазода ҳам Ватаннинг донгғи.
Ёв кўролмай тишин қайрайди.
Ким ёв бўлса отмайди тонгғи!

Бу китобда акс этмиш ҳаёт,
Босиб ўтган кураш йўлимиз.
Порлоқ турмуш иқбол саодат,
Жаннат барпо қилар қўлимиз.

Яшаганнинг йўқдир армони,
Ҳақ китоби беради давлат.
Ишлаганнинг кирар дармони,
Бой мамлакат, халқпарвар Давлат.

Чолга иззат, кишига ҳурмат
Ешларга фан, илмнинг кони,
Ҳақсизлик йўқ, қолмади иллат,
Халқпарвардир совет замони.

Ҳарким ҳам тенг ҳуқуқга эга,
Тўйиб-тўйиб олур ҳур нафас.
Истироҳат, ва завққа эга.
Қилар ҳарким бу юртни ҳавас.

Зўр тайгалар, буюк ўрмонлар,
Кенг денгизлар, бўстон бўлган чул.
Баланд тоғлар кўкка ўрмалар,
Оқар дар'ё, чуқур зилол кўл,

Ҳаммаси бор олтин ҳам гавҳар!
Бойликлари авлодга етар,
Тузи шифо, сувлари кавсар.
Айтинг бундан қайси эл ўтар?

Хур Ватанни сақламоқ бурчдир,
Эл тупроғи — кўз қорачуғи,
Элни севмоқ кудрат ва кучдир,
Бу севгининг бўлмас аччиғи.

Ўқир экан қалам саркори —
Ҳақ китобин — Сталин номин,
Новқирон мард йигит сингари
Жўшиб, майнинг сипқарди жомин.

Тобут олдида

Оламшумул буюк ниятлар
Улуғ ишлар ташаббускори,
Элга бериб асар-не'матлар,
Турмуш куйин зўр бастакори,
Доҳий адиб Максим Горькийда,
Булоқлардай қайнар жасорат,
У яшаркан гўзал Горкида,
Иблис котиб қилди хиёнат.

Билмай қолдик унинг нағмасин,
Ахир қанча йиллар бобида —
Бирга эди дўстлик садосин —
Куйлади бол оқар лабида.
Оққан боллар заҳарлар экан,
Горькиймизни ўлдирмоқ учун,
Ғаддор ёв ўз бошин тиккан,
Ишлатибди найрангнинг кучин.
Горький ётар, оғир аҳволи
Сталинни кўрмоқ истайди,
Кундан-кунга умидсиз ҳоли.
Суратига қараб қистайди.
Тезда келди Сталин дўсти.
Кўзлари ялт этиб очилди.
Дармон кирди, юраги ўсди.
Лабларидан дурлар сочилди:
„Хайр дўстим, меҳрибон ўртоқ,
Асарларим ҳамроҳ бўлажоқ“.
У жон берди. Сталин кўзи
Ешга тўлди, оқарди юзи.

Қизил майдон...лиқ тўла одам.
Бутун ўлка қилади мотам.
Оркестрлар чолар дам-бадам
Ғамгин куйлар, дилни эзар ғам.

Мотам... Қора байроқлар сонсиз,
Сукут қилар ерлар ва осмон.
Одамларнинг тўлқини денгиз.
Зўр мотамда жумлаий-жаҳон.

Тобут қўлдан ўтар қўлларга,
Уни бутун ўлка кўтарган.
Йиғи саси ўрмон — чўлларга,
Узоқ-узоқ элга таралган.

Сталиннинг зўр елкасида,
Тебранадир Горький тобутя,
Қуёш ғамгин, булбул саси-да
Ма'юсова. Қалбада ғам ўти.

Молотов дер: „Бу оғир кулфат
Бу ғам, мотам кишилиқ учун,
Лениндан сўнг катта мусибат,
Биз йўқотдик зўр талант-кучин“.

Кремльнинг мангу девори,
Дилда сақлар унинг хокини.

Горький, доимо биз блан

Қоронғу тун... Окоп... ер тўла
Ёнар эди, кичик жин чирор.

Солдат қалби ўч блан тўла.
Кирди Горький, бўлди дўст-ҳамроҳ.

Донко келди ёриди ўрмон,
Унинг қалби ёруғ маш'ала
Кўрсатди йўл, берди куч-дармон,
Сўзин солдат тинглар наш'а-ла.

Ўлимларни енгган Қиз келди,
Деди: „мендан олинг ибратлар“.
Шижоатли гўзал юз келди.
У Муҳаббат бизни ҳурматлар.

Келди Павел байроқ кўтариб,
Йигитларни чарлади жангга,
Йўллардаги ғовни итариб,
Деди: жонлар фидо Ватанга.

Келди „Она“, келди мардона,
— „Ўғилларим ёвни янчинг“ деб.
„Ватан бўлмай сиздан паррона,
Найзангизни ёвга санчинг“ деб.

— „Агар душман таслим бўлмаса
Уни тезда маҳв этажаклар!“
Биз енгилдик деб тиз чўкмаса,
Ерла яксон, кул қилажаклар.

Горький сўзи жанговарларни
Да'ват қилди ғалаба сари.
Дилга олиб шиорларини,
Жангга кирди Совет аскарни.

Унинг сўзин қилиб ол байроқ —
Мен ҳам қилдим фашистга ҳужум,
Эсдан чиқмас, ҳечқачон, ҳеччоқ,
Жанг қилганим етгунча кучим.

Зафарларда унинг уни бор,
Горький доим бизга мадаккор,
Устоз Горький — абадий баҳор,
Мардлик қилсак унга шу ёдгор.

Горький — бахтдир, у — жўшқин ҳаёт.
Горький, демак — ажойиб ижод,
Горький демак — туганмас гайрат.
Унинг номи қолур умрбод.

ШОНАЗАР

ТЕРИМ ШЕ'РЛАРИ

Теримчи қиз

Ҳали қишлоқ тамом уйқида.
Хўроз ҳам уйқисин тарк этгани йўқ.
Теримчи қиз терим завқида,
Турди, юрагида севинч лим-тўлиқ.

Элос-элос кўринар қирлар,
Пахта пайкалига кетар экан қиз.
Онда-сонда хўроз чақирар,
Ҳали кўк юзида беҳисоб юлдуз.

Пахтазорга ошиқади қиз.
Билади, пахтадан келгуси бахтлар.
Кўзларига кўринар ёлғиз
Бодроқдек бодироб ётган пахталар.

Липа уриб, боғлаб этагин,
Ашулани қўйиб, теримга ёлғиз, —
Пахтазорнинг кўзлаб этагин, —
Тушиб кетди. Кўкдан ботарди юлдуз.

АРАВАКАШ

Саман оли Қўқон арава
Устида бор катта четани.
Қўтармага осиб от тўрва
Четанига босиб пахтани,
Эгарига кўндаланг миниб
Ўтиб қолди, Райим — аравакаш.
Пешонаси тиришганидан
Кўринарди сағал кўнгли ғаш.

Ҳорманг — деди самоварчи чол, —
Ҳа, жадаллаб қолибсиз, карвон?
— Э саломат, пунктга, бобой.
Ишлар шитоб-шитоб, отахон.
Бугун сағал та'бим бошқача.
Ҳаво айниб қолмаса — дейман.
Ун беш ходка қилмасам агар
Асло карвон Мадрайим деманг.
Отга қамчи босди. — Борди-ю —
Уддасидан чиқмасам, бобой,
Карвон номни олиб ташлайман..
Қамчи босди. Йўртди учгандай.

Чинос,
9—11 октябрь, 1947 й.

ҚУДПУС МҲАММАДИЙ
ВАТАНИНГ КУТАР СЕНИ

Ватанинг кутар сени,
Ўғлим яхши билиб қўя.
Тилагингга бошловчи,
Китобингга меҳр қўй.
Умрининг олтин даври
Болалик чоғи асл,
Баҳорга ўхшатаман,
Саноқлик қисқа фасл.
Шундай гўзал умринг бор,
Фурсатни қўлдан берма,
Капалакдек липиллаб,
Кўп уйинга берилма.
Аридек бул тиришқоқ,
Нега ширин асали?
Меҳнатининг лаззати,
Ҳай-ҳай қандай мазали.
Табиат ҳали бизга,
Тула таслим бўлганмас.
Унинг қалин бўйинини
Эгмакда билим пайваст.
Икс, игрик чиқмаса,
Дилингуку хуноб бўлар.
Агар қунтла ишласанг
Топиб, дил офтоб бўлар.
Чиқ мактабинг томига,
Синчиклаб атрофга боқ,
Кел дер гўё тик тоғлар
Ҳазинам ол, эй ўртоқ.
Қуёш чиқар умидвор,
Нур сочар аямай ҳеч.
Ой, юлдуз узоқ тунлар,
Солар сенга жамолин.
Қошки эди эр йигит,
Кўрсатса бўй камолин.
Кел, эй билимдон ўғлов,
Кел, бизни тез эгалла!
Деб тургандек ҳаммаси
Билим ол, ҳунар танла.

„ЁШЛИК ДАФТАРИ“

Ўзбекистон совет ёзучилари союзи ўзбек совет адабиётининг ўсиб келаётган шоирларидан бир груҳининг ше'рларини тўплаб, „Ёшлик дафтари“¹ номи блан нашр қилди. Бу тўпламга табиати ва қалами блан ёшлик завқи, бахти, ғурурини куйлаб келаётган талантли шоирлардан Рамз Бобожон, Туроб Тўла, Асқад Мухтор, Ёнғин Мирза, Тўғон Эрناзар, Шухрат, М. Бобоев ва Шукрулла ўртоқларнинг ше'рлари кирган.

Партия Марказий Комитетининг сан'ат ва адабиёт ҳақидаги қарорлари ва ўртоқ А. Ждановнинг „Звезда“, „Ленинград“ журналлари ҳақидаги машҳур доклади ўзбек совет адабиётини шу жумладан ўзбек совет поэзиясини янги самараларга олиб келди.

„Ёшлик дафтари“даги ше'рларнинг кўпчилиги партиямизнинг, халқимизнинг талабларига анчагина жавоб бераолучи бадий маҳсулотлардир. Тўпламдаги айрим шоирларнинг ше'рларидаги баъзи камчиликлардан қат'и назар, совет халқининг улуғ доҳийси Сталин ҳақида, улуғ совет Ватани ва ватанпарварлик, Улуғ Ватан урушидаги жанговар ҳаёт, қаҳрамонлик, фидокорлик ва душманга нафрат, халққа садоқат, совет халқининг бахти, ўзбек халқининг пахта учун, сув ва нур учун кураши ҳақида софдиллик блан куйловчи ше'рларни завқ блан ўқиш мумкин.

Улуғ Октябрь революцияси натижасида эришилган бахтнинг лаззатини тотиб вояга еткан ёш шоирларимиз ўзларининг севинч ҳисларини, миннатдорчиликларини Ленин—Сталин партиясига, замонамизнинг улуғ кишиси, доҳий Сталинга бағишлайдилар. Улар ўзларининг коллектив равишда ёзган „Комсомо́л“ (Ўзбекистон комсомолиянинг XI қурултойига бағишлаб ёзилган) қасидаларида оташин ёшлик, комсомоллик саломларини халқлар доҳийси Сталинга йўллайдилар:

¹ „Ёшлик дафтари“ Ўз. Давнашр, Тошкент, 1947 йил. Редактори—Миртемир, тиражи 5000 Баҳоси—5 сўм 30 тийин.

Москва, Кремль. Улуғ Сталин
Умурбод йигитлик қутлуғ Сталин.
Биринчи комсомол, эй оташ юрак,
Эй ёшлик тимсоли, эй олий тилак,
Эй байроқдоримиз — Генералиссимус!
Сенинг ҳарбир сўзинг ўзи бир қомус.

Улар Ўзбекистон комсомоли тилидан ғалабалар илҳомчиси
улуғ Сталинга тантана блан рапорт берадилар. Совет ҳокимияти
йилларида, дохий Сталин етакчилигида Ленин йўлидан бориб
оламшумул ютуқларга эришган комсомолларнинг юрак ҳиссиётла-
рини ифодалаб, ғалабалардан ҳисоб берадилар. Комсомолнинг
саноатда, қишлоқ хўжалигида, маданият ва фан тараққиётида,
Ватан озодлиги учун бўлган курашда намуна бўлганини куйлай-
дилар:

Комсомол — гигантлар томирида қон,
Комсомол — гигантлар замирида жон.
Чинакам меҳнатга ўзни урдик биз,
Ясайбердик, тинмай чарчамай, сонсиз —
Турбинлар, дизельлар, мотор, прокат:
Ватанда бошланди зўр бир ҳаракат!

* * *

Комсомол — колхознинг фаҳри-шони сан,
Пахтакор ўлканинг ёш деҳқонисан.
Сенсан далаларнинг шовқин-сурони.
Сенсан водиларнинг азиз меҳмони.

* * *

Кечаги комсомол студентимиз,
Бугун фан арбоби — президентимиз.
Сирдар'ёни издан чалғитолган эр,
Волфрам конларин очкан инженер,
Ранго-ранг пахталар толган агроном,
Файласуф, муаллим, врач, астроном.

Шоир Ёнгин Мирза „Сталин“ сарлавҳали ше'рида бахтимиз-
нинг раҳнамоси улуғ Сталин ҳақида куйлайди.

Халқинг учун бахт қонунин этдинг армуғон.
Республика тенгдош ўғил, йўқ нола-фиғон,
Доҳим сени қутлар жаҳон, гул ўзбекистон,
Замонамга улуғ Ленин — Сталин!
Ленин бўлиб севар элин Сталин!

Шукрулла ҳам ўзининг „Фурурим“, „Менинг севгим“ ше'рла-
рида улуғ Сталинга асрдош бўлгани учун фарҳланади.

Булбул навоси-ла, гул ҳусни блан,
Қуёш ҳам мағрурдир текиб олтин нур,
О, менчи, Сталин асрдошиман,
Шу учун абадий яшайман мағрур.

(„Фурури“)

Ватан муҳаббати ва Ватан учун бўлган жанглар ҳақида куйланган шеърларда ҳам халқимизнинг, ёш авлоднинг улуғ Сталинга бўлган чексиз муҳаббати лирик мисраъларда акс этади.

„Ёшлик дафтари“даги жўшқин сатрларнинг салмоқли қисмида совет Ватанига муҳаббат ва садоқат куйланади. Совет кишининг ана шу юксак фазилати поэзиямизга ҳам куч, илҳом бағишлайди. Комсомолнинг Ватан учун бўлган дастлабки ва сўнгги жанглари „Комсомол“ қасидасида жуда яхши тараннум этилади:

... Яна хуруж қилди аламзада ёв,
Ёш совет ўлкасин қуршади олов.
Халқ энди кўрганда офтоб юзини,
Яна оташларга урди ўзини.

Азиз эди шодлик, муқаддас байроқ —
Ҳам оталар қони тўкилган тупроқ.
Жўшқин ёшлигингни Ватанга сен ҳам
Бағишламоқ учун қасд қилдинг шудам.

Улуғ Ватан уруши фронтдан қайтиб келган шоир М. Бобоев Оня юрт Ўзбекистонга ўзининг саломини йўллайди.

Салом, Ўзбекистон, азиз Ватаним,
Яшнаётган чексиз боғ ила бўстон.
Олтин тупроғингни ўпдим чаманим,
Бундан ортиқ бўлмас жангчида армон!

Ёки, Асқад Мухторнинг „Ватан“ шеърини олайлик. Шоир Улуғ Ватан уруши даврида жангчиларга ўзбек халқининг ёзган мактубидан чексиз хурсанд бўлган, госпиталда даволаниб ётган жангчининг тилидан шундай куйлайди:

Ёзган мактубингда соғинч сатрларми,
Меҳринг достонидан шоҳона мисра’?
Сени мен сингари ҳамма қадрларми,
Ё севгимдай севги йўқмикан сра?

„Ёшлик дафтари“даги шеърларнинг асосий кўпчилиги Улуғ Ватан уруши даврида, фронтларда, окопларда, ертўлаларда, тўп-ларнинг гулдирос овозлари эшитилиб турган жойларда, ўт ва тутун ичида ижод этилган ҳаётий мисраълардир. Зотан, тўпламда шеърлари блан қатнашган шоирларининг деярлик ҳаммаси собиқ фронтчи, жангчилардир. Уларнинг шеърларидаги жанговар па-

фоснинг кучли бўлиш сабаблари ҳам ана шундадир. „Ешлик дафтари“ авторларининг шу мавзу’даги ше’рларида илғор рус совет поэзияси номояндаларининг зўр та’сирини кўрамиз. Шухратнинг „Доғ“, „Тупроқ“, „Жўғрофия ўқитучимга“, Тўғон Эрназарнинг „Чегарадан ўтганда“, „Қайтиш“, Е. Мирзанинг „Землянка“, „Сўнги хат“ каби ше’рлари фронтнинг жанговар ҳаётини, совет жангчисининг фикри-хаёли, ички руҳий кечирмалари, юрак ҳислари ва Ватанга садоқат, душманга нафрат туйғуларини акс этдираолган лирик парчалардир. Тўпламда шоир Шухратнинг кичик ҳажмдаги ше’рлари, лирик парчалари ўқучиларнинг диққатларини жалб этади. Шоир совет ёшларининг Ватан, халқ олдидаги хизматлари абадий хотира сифатида узоқ асрлар ёдда сақланиб қолганлигини шундай мисра’ларда ифодалайди:

Ёшлигим қумсайман мен ҳам ва лекин
Кўзда ёш бланмас, қувониб албат:
Ёшлигим ўтаган муқаддас бурчин,
Мамлакат бошига тушганда кулфат.

(„Ёшлигим ҳақида“)

Еки шоирнинг „Эл унутмас“, „Доғ“, „Энди билсам“ ше’рларини ўқиган киши унда анча оригинал фикрлар, оҳори тўкилмаган кофия, ухшатиш, сифатлашларни, ташбиҳларни учратиш мумкин:

Яра ўрни қолмиш чаккамда,
Чаккам худди доғли оқ жужун.
Биров сўрса ёдимга тушар
Берлин учун бўлган зўр ҳужум.

(„Доғ“ ше’ри)

А. Мухторнинг „Она“ баллачасини ҳам ёш шоирларимизнинг уруш мавзу’ида ёзган энг яхши асрлари қаторига киритиш мумкин. Балладада эртаксумон воқиа реалистик равишда, та’сирли ҳикоя қилинади: Фарбдан, қуллик азобидан қочиб келаётган онанинг ўсмонда майор блан учрашуви, унга саргузаштини сўзлаб бериши жуда яхши куйланади:

— „Кунлар, ойлар юрдим, кўп узоқ юрдим
Манзилимни сўрди нечалар.

.....

Тифонлар тирнади бағримни,
Тунаб қолдим кўсқинч тоғларда.
Илиғ ёш жон берди, тандан илгимни —
Қаҳратон изғирин суғуриб олганда.
Сув кўрмаган бўм-бўш саҳрони
Илдиз ялаб ўгдим, ташна қолганда.

Она ўз Ватани-манзилига етиб олиш учун ҳарқанлай азобларга бардош беради. Она ўз юрида жон беради. Онанинг тан

шу қадрдон ўрмонларда кўмилгани учун, ўрмон доимо онани хотирлаб, унинг саргузаштини сўзлагандек бўлганини шоир усталик билан тасвирлайди:

Ўша тонгдан бери онанинг руҳи,
Тунлари тоғларда сар-сари эмиш.
Ҳар кеча ўрмонга тун бўлиб тушган
Муштифар онанинг сочлари эмиш.

„Ёшлик дафтари“даги бир қанча шеърлар Улуғ Ватан уруши даврида совет халқининг мамлакат ичкарисидаги фронт учун қилган жанговар меҳнати, ғалаба онлари ва тинч қурилиш йилларида меҳнат соҳасидаги эришган муваффақиятларимизни куйловчи асарлардир. Булар орасида Рамз Бобожон ва А. Мухторнинг айрим шеърлари алоҳида кўзга ташланиб туради. Рамз ўзбек халқининг ўз металлургия саноатига эга бўлиш мақсадида Бекободда жуда катта завод қураётганини „Йилномага янги саҳифа“ шеърда ғурур билан куйлайди. Заводнинг ишга тушганлиги ҳақида ўзбек халқининг улуғ Сталинга юборган рапорти шоирни илҳомлантиради:

Бу йил Бекободда яна бир қўрғон,
Қўрғонки, пўлатдан девори, томи.
Ҳали бу дебоча, бешйиллик дoston,
Қалбига сиғмайди халқнинг илҳоми.

Янги бешйиллик план, пахтакорларимизнинг юқори ҳосил учун сураши, совет кишлоғининг янги кишилари, Социалистик Меҳнат Ҷаҳрамонлари ҳақида Рамзнинг „Замири“, „Мен биламан сенинг ёрингни“, А. Мухторнинг „Теримчи қизга“, „Йўл бўлсин“ шеърлари шу кеча-кундузнинг актуал мавзуларида ёзилган асарлардир. Бу эса шоирларимиз томонидан шу куннинг асосий масалаларида бадий асарлар яратиш бурчларини бажариш ишга киришганликларини кўрсатади.

Тўпламнинг мана бу ютуқлари қувонтирарли ҳодиса, албатта. Лекин, бу „Ёшлик дафтари“даги шеърларнинг ҳаммаси нуқсонсиз, ғоявий ва бадий жиҳатдан пухта асарлар деган сўз эмас.

„Ёшлик дафтари“да Рамз Бобожоннинг „Ўлмас сиймо“, Ленинград“ ва „Ўзбекистон“ шеърлари ҳам берилади. Лекин, мазун ва бадий жиҳатдан юзаки бўлган бу шеърлар ўқучиларни тўла аноатлантираолмайди. Шеърда бериладиган ғоя, мазмун кучли ўлиши билан бирга, шу шеърнинг бадий шакли ҳам мукамал, учли бўлишини талаб қилинади. Шоир „Ўлмас сиймо“ сарлавҳасида шеърни улуғ ёзучи М. Горький хотирасига бағишланади. Рамз у шеърда М. Горькийнинг ҳаммага малум бўлган биографиясини парчалар олиб шеърини тилда гапириб беради. Шундан сўнг М. Горькийнинг революцион фаолиятини куйламоқчи бўлади.

„Инқилоб онаси Ниловна кампир“лар Павелдек кишиларни анга ташлади, дейди. Бу тўғри. Лекин, шунинг кетидан шоир

Россия ўтмишидаги синфий курашни янкор қилучи, ше'рининг гоёсини кучсизлантиручи „Россия ўтмиши паришон хотир“ деган тушунчани беради. Иккинчидан, М. Горькийнинг Ленин билан бирга бўлган вақтларини хотирламоқчи бўлиб, улуғ одибнинг сиймосини жуда баъкана ўхшатиш билан тасвирлайди:

„Деворга новча бир соя тушса, бас,
Лениннинг ёнида Горький бор — демак“

Худди шунингдек, „Ленинград“ ше'рида ҳам Рамз поэзиямизда жуда кўп қайтариқ бўлган мисра'лар билан Ленинград ва унинг қахрамон аҳолиси ҳақида гапиради. Лекин, Ленинград ҳақида езилган ше'рларининг ҳечқайсисидан фарқ қилмовчи бу ше'рда ҳар соҳадан бир шингил бериш билан (шаҳар аҳолисининг қаҳрамонлиги, дўстлик, Ленинград учун жанг) шоир асосан шаҳарнинг қайси томондан улуғлаб куйлагани англашилмай қолади. Шоирнинг фикрича „Қадимий шаҳар“ (бу нотўғри, чунки, шаҳар жуда ҳам қадимий эмас) бўлган Ленинградни биз нима учун севамиз, унинг фазилатлари нимадан иборат экани кўринмай қолади. Шунингдек, Рамзнинг „Ўзбекистон“ ше'ри ҳам ўқучини бирон янги мисра' билан завқлантирмайди.

Улуғ ёзучи, совет адабиётининг отаси М. Горький ёш ёзучиларнинг ижодидаги энг катта нуқсонлардан бири — ҳақиқий, реал ҳаётни яхши билмаслик ва уни ўрганиш учун ҳаракат қилмаслик деган эди. Мана шу мулоҳазалар асосида, Шукрулланнинг „Ойдин кеча эди..“, „Умрим“ деган ше'рларини олайлик. Бу ше'рлар шоирнинг турмушдан анча узоқ эканини кўрсатади.

Мана шоирнинг, „умри“ қандай:

Сойдаги сув шўх болалардек
Гоҳ югурар халлослаб, шошиб,
Гоҳ дам олар (?!) чарчаб ўнгурда,
Яна кетар кўпириб тошиб.
Гоҳ умрим ҳам дар'ё сингари,
Тўлқинланар жанг-гирдобида.
Гоҳи тинчиб ором олар у (!?)
Осойишта ҳаёт боғида.

Кишининг умрини мана бундай тасвирлаш жуда хом бўлиш билан бирга фикр жуда абстрактдир.

Биз юқорида Енгиннинг „Сталин“ номли ше'рида совет халқининг улуғ доҳийга бўлган меҳри-муҳаббати куйланганини кўрсатиб ўтдик. Бу ше'рнинг бадий ишланиши ҳам дуруст. Лекин, шунини айтиш керакки, бу ше'рдаги айрим мисра'ларни тузатишга тўғри келади. Акс ҳолда бу мисра'лар ше'рнинг мазмунига ҳалал етказди. Масалан; шоир, ўртоқ Сталиннинг улуғ сиймосини кўрсатмоқчи бўлганда „Жангчилардай шинель кийган, кулади доим!“ дейди. Бу эса, улуғ генийни характерлашда бир ёқламаликдир. Иккинчидан, худди шу ше'рда „Бу азамат давлатимга

рус халқи бошдир" деган мисра'ни олганда, бу ҳам кўп миллатли совет давлатининг хусусиятига мос та'бир эмас. Ленин—Сталин миллий сиёсати миллатларга давлатни бошқаришда тенг ҳуқуқ берган. Улуғ рус халқининг етакчилик ролини бундай тушиниш хато, албатта.

Ба'зи ёш шоирлар кишиларнинг хусусияти, сезги-ҳисларини бир тамонлама тасвирлайдилар. Кишиларнинг юрак ҳиссиётлари — шодлиги, қайғуси, шафқати, нафрати берилгандагина бадий образ кўз ўнгимизда тўла гавдаланади, ҳақиқий инсон экани билинади. Ҳарқандай ижодий қаҳрамоннинг ҳисларини акс этдирмоқчи бўлганда, аввало, инсоннинг хусусиятини ҳартомонлама кўрсатабилиш керак. Акс ҳолда бадий асар ишонтирарли бўлмайди. Шу жиҳатдан олганда А. Мухторнинг „Баҳодир“ ше'ри катта бир нуқсонга эга. Асқад бу ше'рида Баҳодир совет жангчисининг кучли иродасини тасвирламоқчи бўлади. Гўё Баҳодир кўнгли тош киши!

... Гўёки кўксига юрак эмас, тош
Овлай олмас эди ҳислар кўнглини.

Бу Баҳодирнинг кўзига ёш ҳам келмайди, ўлганда ҳам бу дун'ёдан, саодатли Ватанидан айрилаётганига армон қилмайди. Фақат „Она“ сўзини тилга олиб жон беради. „Ҳарқандай туйғулар ва ҳарқандай фикрлар улар поэтик бўлиш учун образ орқали ифодаланиши лозим“ (Белинский. Асарлар тўплами, I том, 13 бет) шундай экан, совет жангчисининг Баҳодир образи орқали ифодаланган ҳиссиётлари, туйғулари янада поэтик бўлиши учун уни қуриқ гавдали, юраги шафқатни сезмайдиган қилиб тасвирлаш реал бўлмайди.

Максим Горький ўзининг „Ёшлар блан суҳбат“ деган мақолада адабиётнинг энг биринчи элементи, асосий куроли тилдир, дейди. Я'ни „Сўз — ҳамма факт, ҳамма фикрнинг кийимидир“ дейди. У, бу мақолада улуғ адиб бу фикр, фактлар тагида уларнинг социал мазмуни яшириниб ётишини та'кидлаб ўтади. „Ёшлик лафтари“даги ба'зи ше'рларда сўзларни нотўғри ишлатиш блан ше'рнинг мазмунига зиён етказиш ҳоллари сезилади. Масалан, бази шоирларнинг ше'рларида „ажал“, „тақдир“, „жаннат“, „дўзах“ кишининг тани ва „руҳи“, „тумор“ каби дийний архаик сўзлар учрайди. Буни айниқса Т. Тула ва Шукруллаларнинг ше'рида кўпроқ учратиш мумкин. Гап бу ерда фақат архаик сўзларни ишлатишда эмас, балки бундай сўзларни ўринсиз қўлланиб ше'рнинг мазмунига путур етказиши ҳақида бо-раётир. Бир-икки мисол келтирамиз: Шукрулла „Фарҳод қуёши“ ше'рида меҳнаткашларнинг ўтмишдаги қашшоқликларини „тақдир“дан, „оддий кўргилик“дан кўради.

Ўмри қоронгида ўтканлар ҳам бор,
Булар ўтмишдаги оддий кўргилик“(?)

Мана бу мисра'да шoir „кўргилик“ сўзини ишлатиш блан қаячалик хато қилган. Ҳатто, бу блан асарнинг ғояси ҳам пастлашган. Ёки, Туроб Тўланинг „Генерал“ (Генерал Собир Раҳимов хотираси) деган ше'рида ишлатилган „ажал“ сўзини олайлик-Гўё, машҳур генерал душманга қарши курашиб, қаҳрамонларча ўлган эмас, балки „пешонага ёзилган“ кунни етиб ўз ажали блан ўлгандек!

„Минг афсус... сиғмади пешонамизга,
Ажал олиб кетди бемаҳал уни“

Бундай сўзларни ўйламасдан ишлатиш эса, бадний асарга ҳар-тарафлама зарар етказади, халос.

Бизнингча, „Ёшлик дафтари“ ше'рлар тўпламига ўз асарлари блан иштирок этган айрим шoirларнинг ижодларидаги хато ва камчиликлар асосан, ана шулардан иборат.

А. ОЛИМЖОН

6 декабрь, 1947 йил

„Шарқ Юлдузи“ журналнинг 1947 йилда босилган ҳамма совларининг

УМУМИЙ МУНДАРИЖАСИ

Совет адабиётининг большевистик партиявийлиги ҳақида. IV—3

СССР Совет Ёзувчилар союзи правлениясининг XI пленуми:

ВКП(б) Марказий Комитетининг „Звезда“ ва „Ленинград“ журналлари ҳақида 1946 йил 14 августда чиқарган қарордан сўнг совет адабиёти, СССР Совет Ёзувчилари союзининг бош секретари ўртоқ А. Фадеев доклады. VII—3.

Роман, новесть, ҳикоя, очерк ва пьесалар

М. Бикадоров. Шамоллар водиси. Очерк. X—62;

Верхадский. Узбек совет драматургияси тараққийнинг асосий босқичлари. XI—174.

Ибохон. Раққоса. Ҳикоя. VIII—63.

М. Исмоний. Озодлик гулини ҳидлаган киши. Очерк. XI—142

А. Қяҳдор. Қўшчинон. Роман. I—8; II—III—3; IV—16; V—29; VI—25; VIII—26; IX—9; X—5;

С. Қаландар. Биз Уралда. Повесть. М. Бобоев таржимаси. IV—50; VIII—56; XI—46; X—32; XI—125.

В. Мильчаков. Офицернинг туғилиши. Ҳикоя. Мамарасул таржимаси. V—68.

Мирмуҳсин. Монтажчи. Очерк. XI—156.

Енгин Мирза. Шунинг ўзи бахт. Очерк. I—91; Қамаши қишлоғи. Очерк. II—III—108; Бурсуг. Очерк. IV—74. Меҳнат ва шон. Очерк. VII—41.

Ҳаким Назир. Иигит. Ҳикоя. II—III—76.

В. Павловский. Салдатлар. Ҳикоя. А. Алимўхамедов таржимаси. II—III—86.

Т. Тўла. Уямаслик ҳақида қўшиқ. Очерк. II—III—91; Звено бошлиғи. Очерк. IV—69.

П. Турсун. Хўқўй. Повесть II—III—52; IV—25; V—52; VI—49; VII—66

Уйғун. Ҳаёт қўшиғи. Пьеса. VIII—31; Асрлар. Пьеса. XI—55.

М. Усмон. Достойбон Очерк. X—52.

Н. Охундий. Замира. Очерк VI—69.

А. Фадеев. Ёш гвардия. Роман. О. Раҳимий таржимаси. V—3; VI—3; VII—49; VIII—39; IX—34; X—17.

Е. Шукуров. Камолат. Очерк. XI—150.

Поэма ва шеърлар

С. Акбарий. Тонр. Шеър. II—III—107.

М. Бобоев. Ёшларга Шеър I—43. Улуғ пойтахт. Шеър. IX—5; Богбон. Поэма. XI—91; XII—3.

Р. Бобожон. Орол. Шеър. VI—71; Салом, пайтахт. Шеър. IX—5.

А. Баб-жон. Овозим. Шеър. I—45.

А. Бегимов. Ватаним. Шеър. Қорақандоқчадан. М. Бобоев таржимаси. VIII—89.

- М. Горький. Қиз ва улим. Поэма. Ж. Шарифий таржимаси. VI — 33.
 Н. Ганжавий. „Лайли ва Мажнун“ дав парчаалар. IX—69.
 Ғ. Ғулом. Москвамиз. Ше'р. IX—3.
 С. Зуннунова. Пахтакорларга. Ше'р. II—III—106; Сталинга. Ше'р. IV—60;
 Йўлда. Ше'р. XI—138.
 Миртемир. Аччисой. Ше'р. II—III—28.
 Мирмуҳсин. Уста Ғиёс. Поэма. I—28; II—III—52; Дўнаё. Поэма. VII—51.
 Ё. Мирза. Генерал. Ше'р. II—III—94.
 А. Мухтор. Пўлат қуювчи. Поэма. VII—33.
 В. Мильчаков. Икки ше'р. Миртемир таржимаси. IX—14.
 Қ. Муҳаммадий. Султоной. Ше'р. IV—67.
 П. Мўмин. Хирмонда. Ше'р. XI—140.
 С. Назар. Меҳнат дафтаринг. Ше'р. II—III—106; Москва. Ше'р. V—40.
 Ойбек. Қизлар. Достон. XI—12.
 Р. Озод. Ше'рлар. Тожиқчадан Аширмат таржимаси. IV—65.
 Соқий. Октябрь. Ше'р. XI—105.
 Партав. Олқиш. Ше'р. XI—106.
 Турсунзода. Хазиналар посбони. Ше'р. Тожиқчадан Аширмат таржимаси.
 VI—61.
 Т. Тула. Волоколамск тош йўли. Ше'р. IX—6.
 Ж. Шарифий Москвани кўрганда. Ше'р. I—46; Фарҳод тоғидан чиқди
 қуёш. Ше'р. V—48; Максим Горький. Поэма, XI—109; XII—47.
 М. Шайхзода. Ватаним. Ше'р. X—3; Иосиф Сталин. Достондан янги
 боблар. XI—5.
 Шўҳрат. Бахт на ҳуқуқ ше'ри. II—III—85; Ёшлигим ҳақида. Ше'р. V—51.
 С. Шчипачев. Шушендаги кичик уй. Поэма. Миртемир таржимаси. I—3.
 Ю. Шукрулла — Икки ше'р. IV—65; Ғалаба байроғи. Мовзелей. Ше'р V—
 51; Пиллачилар кўшиғи. Ше'р. VII—88.
 Т. Фаттоҳ. Кечкириш. Ше'р. VII—83.
 Ҳақирий. Ватан. Ше'р. XI—107.
 Ҳабибий. — Темрийўл. Ше'р. XI—108.

Танқид ва библиография

- А. Алимухаммедов. А. Қаҳдор ҳикояларида психологик тасвир. II—
 III—115.
 Наби Алимухаммедов. Таржима сав'ати тўғрисида ба'зи мулоҳазалар. I—73;
 М. Афзалов. Исломо шоир ҳақида. I—84.
 К. Зеленский. А.А. Фадеев. VI—72.
 Ғ. Каримов. Ўзбек Совет поэзиясининг тараққиётида Ҳ. Олимжоннинг
 урни. VIII—71; XXX йил ичида ўзбек совет прозаси. XI—171.
 Ё. Мирза. „Тавлаяган ше'рлар“ IV—80; „Москва“ тўплами ҳақида. IX—76
 У. Рашид. Болалар учун янги китоблар V—83.
 Ш. Рашидов. Янги ижодий ятилишнинг тўғрич меваси. VIII—83.
 Ж. Шарифий. Бадий таржималарга алоҳида аҳамият берайлик. II—III—144.
 М. Шайхзода. Низомий Ганжавий. IX—38.
 К. А. Ушаров. Ростгўй китоб. X—75.
 А. Олимжон. Шоирларнинг сайловга тортиғи. II—III—138.
 Ж. Обидов. Сора — Сфелия, Катерина, Дездемона. II—III—148.
 Ҳ. Хомидий. Зебнисоннинг ижоди. I—56.

МУНДАРИЖА

М. Бобоев. Борбон. Поэма	3
А. Мухтор. Мардик чўққиси. Пьеса	21
С. Қаландар. Биз Уралда. Повесть	39
Ж. Шарифий. Максим Горький. Поэма	47
Шоназар. Терим шеърлари	61
Қ. Муҳаммадий. Ватанинг кутар сени	63
А. Олимжон. „Етлик дафтари“.	64
Журналнинг 1947 йилги ҳамма сонларининг умумий мундарижаси	72



РЕДКОЛЛЕГИЯ: *Ойбек* (мас'ул муҳаррир), *Ғафур Ғулом*, *Яшил*,
Уйғун, *Абдулла Қадҳор*, *Шайхзода*, *Ж. Шарифий*, *М. Ашрафий*, *Самил*,
Абдуллаев. Мас'ул секретарь: *Ма'руф Ҳаким*.

На узбекском языке

ШАРҚ ЮЛДУЗИ

№ 12

Орган Союз Советских Писателей Узбекистана

Объединенное издательство „Правда Востока“ и „Камла Узбекистан“

Ташкент—1947

„Шарқ Юлдузи“ редакциясининг адреси:

Ташкент, Биринчи май кўчаси, уй № 20. Телефон 33-881.

Босилган рухсат аттали 26/ХII-47 й. Р 00855. Қогоз формати 60×92/16. Босма лести 4,75
Бар лестида 4700 ҳарф. Тиражи 2000. Изл. № 895. Баҳоси 5 сум.

Ташкент, „Қишлоқ Узбекистон“ ва „Правда Востока“ нашр эти босилган. Заказ 1707.